БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 258 (1520)
30 декабрь
чоршанба
1959 йил

Баҳоси 20 тийин

БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНДИЛИКДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲАММА ТАРМОҚЛАРИНИ ЯНАДА ЗЎР КУЧ БИЛАН ЮКСАЛТИРМОҚ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТНИНГ ҲАММАСИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛГАН. АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ГЎШТ, СУТ ВА ЁҒ ЕТИШТИРИШ ЖИҲАТИДАН ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИГА ЕТИБ ОЛИШ ВА ЎЗИБ КЕТИШ УЧУН ИЛҒОР КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БОШЛАНГАН УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА. РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКАЛАР ВА ОБЛАСТЛАРДА АВЖ ОЛИБ КЕТГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТОПШИРИҚЛАРИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛИШИ МУМКИНЛИГИНИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.

(КПСС МК Пленумининг «Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» 1959 йил 25 декабрда қабул қилган қароридан).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг 1959 йил 25 декабрда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Бу йил, етти йилликнинг биринчи йили, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар йили бўлди. Халқ хўжалиги плани ва социалистик мажбуриятлар муддатидан оллин бажарилганлиги тўғрисида шу кунларда мамлакатнинг ҳамма томонилан хабарлар келмоқда. Партия XXI съездининг қарорларини амалга ошириш учун қарашувчиларнинг биринчи сафларида бораётган Москва ва Ленинград иқтисодий районларининг меҳнаткашлари ажойиб галабаларга эришдилар.

Бутун мамлакат етти йилликнинг биринчи йилини зўр гайрат билан якунламоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 11 ой ичида планда кўзда тутилган 7,7 процент ўрнига 11,3 процент кўпайди. Бу ишимизнинг жуда яхши, умид бағишловчи бошланишидир.

Етти йилликнинг биринчи йилида бир мингдан кўпроқ янги йирик корхоналар ишга туширилади. Шундай, қилиб, мамлакатимиз саноати ишга тушаётган шу заводлар, фабрикалар, шахталар, конлар, электростанциялардан иборат катта мадад олади.

Совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш планлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уй-жой қурилиши сингари жуда муҳим участкада айниқса сезиларлик натижалар қўлга киритилди.

1959 йилда шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида умумий саҳни 80 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари ёки 2 миллион 200 мингдан кўпроқ шинам квартиралар қурилди. Бундан ташқари аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларида колхозчилар ва зиёлилар 850 мингга яқин уй қуриб олдилар.

Қишлоқ хўжалиги юксалиб бормоқда. Гарчи бу йил кўп районларда иқлим шароити ноқулай келган бўлса ҳам, эришилган натижаларни яхши деб ҳисобламоқ керак. Бу йил 2 миллиард 845 миллион пуд галла тайёрланди. Шуни айтиш керакки, кейинги тўрт йил ичида ҳар йил ўрта ҳисобда 3 миллиард пуддан галла тайёрланган эди, ундан олдинги тўрт йил ичида эса ҳар йил ўрта ҳисобда 2 миллиард пуддан галла тайёрланган эди.

Мамлакат колхозлари ва совхозларида 1959 йилнинг 11 ойи мобайнида гўшт етиштириш 32 процент, гўшт харид қилиш эса 36 процент кўпайди. Колхозларда ва совхозларда сут етиштириш 15 процент, сут харид қилиш эса 16 процент ошди, мол ёғи етиштириш анча кўпайди.

Пахтадан яхши ҳосил олинди. Ўтган йилдаги 4 миллион 373 минг тонна ўрнига бу йил 4 миллион 669 минг тонна пахта тайёрланди. Демак, мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришнинг бутун тарихида ҳар йил тайёрланганига қараганда кўпроқ пахта тайёрланди. Бунда Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари бу йил айниқса жуда яхши иш қилдилар. Улар пахта етиштириш соҳасида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Докладчиларлан Рашидов ва Ўлжабоев ўртоқлар, шунингдек Пленумда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар пахтачилик проблемасини батафсил айтиб бердилар.

Шуни айтиш керакки, айрим республикаларда пахта етиштириш плани бажарилмай қолди. Дуруст, бу республикалардаги ўртоқлар планни нима учун бажармаганликларини яхши изоҳлаб бердилар. **(Залда жонланиш).** Бунинг ҳам маъноси бор; планни нима учун бажармаганликларини тўғри тушунгач бўлсалар, буни келгуси йилда планни бажаришлари учун ўзига яраша бир аванс деб ҳисоблаш мумкин.

Кимё саноатини зўр бериб ривожлантираётганлигимизга, сунъий тола ишлаб чиқаришни кўпайтираётганлигимизга қарамай, пахта етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтира беришимиз керак. Пахта мамлакатга жуда зарур.

Бу йил қанд лавлагидан 1958 йилдагига қараганда бир мунча кам ҳосил олинди. Бироқ, бу йил етиштирилган қанд лавлаги 1954—1958 йилларда ҳар йил ўрта ҳисобда олинаётган қанд лавлаги ҳосилидан ошиқ бўлди. Бу йил қанд-шакар ўтган йилдагидан 600 минг тонна кўп ишлаб чиқарияпти. Қанд-шакар ишлаб чиқаришда биз етти йилликнинг контроль рақамларида мўлжалланган миқдордан илларок бормоқдамиз ва бундай илдам бориш бундан буён ҳам давом этаберади. Қанд-шакар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта аҳамият бермоқламиз.

Шу йил мобайнида бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайди. Пленумдаги докладчилар ва музокараларда сўзга чиққанлар меҳ, узум, чой етиштириш кўпайтирилганлиги тўғрисида кўпгина марокли рақамларни айтиб бердилар. Буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг моддий фаровонлигини яхшиламоқда.

Ўртоқлар! Бу йил мамлакатимизнинг кўп республикалари ва областлари яхши ишлашди. Россия Федерацияси давлатга пландан ташқари бир миллион тонна гўшт сотиш мажбуриятини олган эди. Республика ўз мажбуриятини шараф билан бажарди. 20 декабрга қадар давлатга 4 миллион 200 минг тонна, ёки пландагидан бир миллион тонна ортиқ гўшт сотилди. **(Қарсаклар).**

Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларнинг чорвачилик ва ривожлантиришдаги ютуқлари маълум. Мен, ўртоқлар, рақамларни айтиб бераётганимда бу рақамларни силлиқкина қилиб кўрсатмайман, аксинча, ютуқлар қўлга кирган бўлса ҳам лекин шу умумий ютуқларда ҳамма баббаравар қатнашмаётганлигини шу рақамлар ёрдами билан дангал кўрсатиб бермоқчиман. Мен баъзи рақамларни айтиб бersам, ўзларингиз ҳам буни пайқаб олурсиз деб ўйлайман. Бу рақамлар айниқса бошқалар билан таққослаб кўрсатилганида, ҳаммага ҳам ёқа бермайди, албатта.

Хуллас, 1959 йилнинг 11 ойи мобайнида айрим республикаларда хўжаликларнинг ҳамма табақаларида қолхозлар ва совхозларда гўшт етиштириш ва уни харид қилиш қуйидаги миқдорда кўпайди:

	Етиштириши	Харид қилиши
	(1958 йилдагига нисбатан процент ҳисобида).	
Россия федерацияси	35	38
Украина ССР	30	22
Қозоғистон ССР	37	78
Белоруссия ССР	31	23
Литва ССР	32	36
Латвия ССР	39	63
Эстония ССР	42	51

Гўшт етиштиришни ва харид қилишни кўпайтириш имкониятларимиз жуда катта. Буни илғор колхозлар, совхозлар, районлар ва областларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Рязань область қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатда катта қаҳрамонлик кўрсатганликларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Марказий Комитетнинг 1958 йил декабрь Пленумидан кейин область колхозлари ва совхозлари бир йил ичида гўшт етиштиришни 3,8 баравар ва давлатга гўшт сотишни уч баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Ўша вақтда рязанликларнинг ижодий ишларига ишонмаган ноумидлар ҳам бўлди, лекин бу ноумидларнинг шармандаси чиқди.

Шуни айтмоқ керакки, ўртоқлар, рязанликлар мажбурият олганликларини айтишдан олдин бу мажбуриятларни бажаришни обдан ўйлаб кўрдилар. Шу нарса эсимизда, 1959 йил январь ойининг дастлабки кунларида мен Белоруссияда бўлган вақтимда у ерга телефон қилиб, рязанликлар колхоз ва совхозларда бир йил ичида гўшт етиштиришни 3,8 баравар кўпайтириш ва давлатга 1958 йилдагига қараганда уч баравар кўп гўшт сотиш мажбуриятини олишди, деб хабар қилишди. Мендан, нима қилайлик, бу мажбуриятларни эълон қилайликми ёки йўқми деб сўрашди. Мен бунга жавоб бериб айтдимки, рязанликлар шундай қилишни зиммаларига олган эканлар, уларнинг мажбуриятларини албатта эълон қилиш керак.

— Хўш, бажарилиши қандай бўлади?

— Рязанликлар мажбуриятни олган эканлар, демак улар ўз мажбуриятларини бажарадилар, — дедим. — Ўртоқ Ларионов ўйлаб иш қиладиган жиддий киши эканлигини биламан. Ҳеч қачон у бажариб бўлмайдиган мажбуриятни олиб, мақтаниб, сўнгра эртасига юзи шувит бўладиган, яъни шарманда бўладиган киши эмас, у ҳеч қачон шундай қилмайди.

— Хўш, бошқа областларнинг мажбуриятлари қандай бўлади? Улар нима қилишар экан? деб мендан сўрашди.

— Улар ўзлари ва ўзлари олган мажбуриятлар тўғрисида ўзлари ўйлашсин, чунки улар ўзлари олган мажбуриятларни ўзлари бажаришлари керак. Шунинг учун ҳам, улар ўз кучлари ва имкониятларига қараб иш қилсинлар.

Шундан сўнг кўп ўртоқлар рязанликларга тақлид қилиб, улар ҳам катта-катта мажбуриятлар олдилар. Колхозлар ва совхозларнинг, районлар ва областларнинг анчагина қисми ўз мажбуриятларини бажардилар, аммо, образли қилиб айтсак, ўзларининг юзлари шувит бўлиб қолганлигини ҳозир, йил охирида кўриб турган раҳбарлар ҳам бор. Нима ҳам деб бўларди, бундай раҳбарлар шуни билиб қўйишсинки, модомики, мажбурият олган экансан, бу мажбуриятни бажариш керак, мажбуриятни бажаролмай юзинг шувит бўлиб, сувнинг устига чиқиб қолган кўпикдек қалқиб юрма. Олган мажбуриятларини бу йил бажармаган ўртоқлар бундан ўзлари учун зарур хулосаларни чиқариб оладилар деб ўйлайман.

Рязань области давлатга пландаги 50 минг тонна ўрнига 150 минг тонна гўшт сотди. Шундай қилиб, уч йиллик план бажарилди. Шу билан бирга область колхозлари ва совхозлари чорва моллари сонини анча кўпайтирдилар.

Пленум минбарида туриб, партия Марказий Комитети номидан Рязань область колхозчиларига, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига партия ва комсомол ташкилотларига, Рязань обкоми ва унинг секретари ўртоқ А. И. Ларионовга, область ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ И. В. Бобковга олинган мажбуриятларни бажаришда ажойиб ўрнак кўрсатганликлари учун яна бир марта қизғин ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети олинган мажбуриятларни бажариш соҳасида катта ташкилотчилик ишлари учун ўртоқ Ларионовни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига тақдим қиладилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқ Бобков Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланишга тақдим қилинади. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети областда жуда яхши иш кўрсатган меҳнаткашларнинг ҳаммасини орденлар ва медаллар билан мукофотламоқ учун тақдим этишни область ташкилотларига топширдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Илғари кўп кишилар рязанликларга ернинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда гўштни кам етиштирмоқдалар, деб таъна қилишар эди. Шундай таъна қилувчилар орасида мен ҳам бор эдим. Ўша вақтда уларда бўлган камчиликларни танқид қилиб, уларга Москва областини мисол қилиб кўрсатар эдим. Энди, москвалик ўртоқлар белингизни маҳкам боғлаб олинглар, чунки Рязань сизлардан ўзиб кетиши мумкин, шундай бўлиб ҳам турган гап. Рязань области бошқа баъзи кўрсаткичлар жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ кўп областлардан ўтиб кетди.

Марказий Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, 1959 йилда хўжаликларнинг ҳамма категорияларида ҳар 100 гектар ерга ҳисоблаганда Рязань области 53 центнер, Украина ССР 54 центнер сўйилган гўшт етиштирган. Бу соҳада улар атиги 1 центнер орқада қолмоқдалар. Бироқ, Рязань область колхозлари ва совхозлари ҳар 100 гектарга ҳисоблаганда 35 центнердан гўшт етиштирган бўлса, Украина ССРда 26 центнердан гўшт етиштирилган. Мана бу соҳада сиз, украиналик ўртоқлар, етиб олишингиз керак.

Сиз, украиналик ўртоқлар, сен бу маълумотларни қаёқдан олдинг, деманглар. Мен Марказий Статистика бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Старовский қўл қўйган ҳужжатни ўқиб бераётирман. Бинобарин агар сизларда бирор шубҳа ёки даъво бўлса, ўзларингизнинг республика статистика бошқармангиздан ўпкаланглар, чунки Марказий Статистика бошқармаси рақамларни ўйлаб чиқармайди балки маълумотларни республикалардан тўплаб олади ва шу рақамлардан фойдаланади.

Демак, сўнгра шу ҳужжатда айтиладики, ҳар 100 гектар ер ҳисобига 1959 йилда хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича давлатга тирик вазнда Рязань областида 58 центнердан, Украина ССРда 35 центнердан, Белоруссия ССРда эса 29 центнердан гўшт сотилган.

Колхозлар ва совхозлар бўйича давлатга Рязань областида 49 центнердан, Украина ССРда 31 центнердан ва Белоруссия ССРда 22 центнердан гўшт сотилган. Фактлар мана шу. Ўтмишда қолоқ бўлиб келган Рязаннинг энди қай даражага бориб етганини кўрдингизми! Рязань ўтмишда шундай эди, энди бўлса ҳозир у ерда қаҳрамонлар ҳам пайдо бўлиб қолди.

Бу фактлар нимани кўрсатади? Ахир яқин-яқинлардагина Рязань орқада қолиб келаётган ва жуда орқада қолиб кетган областлар қаторида эди-ку. Рязанни менсимас эдилар, нима ҳам қилиб бўларди, Рязань ўзи шунақа дейишар эди...

Лекин ернинг кўрки одамлар деб бечиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам рязанликлар иноқ бўлиб, ишга киришдилар. Ўртоқ Ларионовга таҳсин айтиш керак — у яхши меҳнат қилди, одамларни катта ишга уюштирмоқ учун кучини аямади.

Ўртоқ Ларионовнинг яна бир ҳислати ҳам бор, мен бу ҳақда гапириб ўтган эдим, бугун буни мен яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман. Москвага ишга чақирсанг бошқа жойдаги иши ҳар қанча марокли бўлса ҳам, ўша ишни жон деб ташлаб Москвага келадиган ходимларимиз оз эмас. Лекин ўртоқ Ларионов бунақа кишилардан эмас. Бир вақт биз уни Марказий Комитетга чақириб, унга Москвага келиб ишлашни таклиф қилдик, ҳийла каттагина ишни таклиф қилган эдик. У бизга ёлвориб айтдики:

— Сизлардан илтимос қиламан, мени Рязанда қолдирингиз! Рязанни севаман, унинг истиқболларини, имкониятларини кўриб турибман. Рязанда ишлашимга имконият беринглар, ана шунда партия ташкилоти Рязань нималарга қодир эканлигини кўрсатади!

Биз ўртоқ Ларионовнинг фикрига қўшилдик, уни Рязандан олмадик, мана энди натижаларни кўриб турибсиз—ҳозир Рязань олдинга ўтиб олди. Рязаннинг энг олдингилар қаторига ўтиб олиш, Россия Федерациясидаги энг яхши областларнинг ҳам энг яхшилари сафида бўлиш учун ҳамма имкониятлари бор. У фақат Россия Федерациясидагина эмас, умуман Совет Иттифоқида ҳам шундай бўла олади. **(Давомли қарсаклар).**

Рязань области меҳнаткашларининг ибратли ишлари нимага ўргатади

Энди чорвачиликни ривожлантириш масалаларига муфассалроқ тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Бу йил гўшт ва сут етиштириш ҳамда харид қилиш қанчалик кўпайганлиги ҳақида гапириб ўтдим. Аввалари бунлай сўзлар ақлга сиғмайдиган сўзлар деб ҳисобланар эди. Ҳозир биз ҳаммамиз Рязанга ҳавас билан қарамоқдамиз, албатта, чунки у, айтиш мумкинки, ҳаммани ҳайратда қолдирди: у давлатга ўтган йилдагига қараганда уч баравар кўп гўшт сотди!

Сизлар бу рақамларнинг маъзини чақиб кўринг, ўртоқлар: бутун мамлакатда бир йил ичида гўшт харид қилиш мамлакат совхозлар ва колхозларида 36 процент кўпайипти. Бу жуда яхши муваффақиятлардир.

Давлат харид қилаётган гўштнинг ҳаммаси бўлиб 83 процентини, сутнинг эса 92 процентини колхозлар ва совхозлар берди. Бу — социалистик қишлоқ хўжалик системасининг катта ғалабасидир.

Сизларга маълумки, ўртоқлар, яқин-яқинлардагина сут ва гўштнинг кўп қисмини колхозчилар ўзларининг шахсий хўжаликларидан етказиб берар эдилар. Бу — социалистик секторимиз учун жуда кўнгилсиз ҳодиса эди, бу социализм душманларига социалистик қишлоқ хўжалик системасига қарши ҳар хил уйдирмалар ўйлаб чиқариш учун баҳона бўлмоқда эди.

Бироқ, эндиликда биз аҳволни бутунлай ўзгартиришга эришдик. Социалистик сектор шаҳарлар учун асосий, тўла-тўкис гўшт ва сут етиштириб берувчи бўлиб қолди. Колхозлар ва совхозлар мамлакатнинг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини таъминламоқдалар. Бу ҳам, ўртоқлар, катта сиёсий аҳамиятга эгадир. **(Қарсаклар).**

Юқорида айтиб ўтилганидек, сут етиштириш 15 процент кўпайтирилди. Агар олти йил бурун шундай бўлганида эди, ўшанда биз буни жуда катта ютуқ деб ҳисоблаб, бундай кўрсаткичлар учун мақтар эдик. Ҳозир эса биздаги аҳвол бошқача. Бир йилда 15 процент ўсиш кам дейишяпти. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Мамлакатнинг деярлик ҳамма колхоз ва совхозларида сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг миқдори кўпайди. Бу яхши гап, лекин гарчи соғиб олинаётган сутнинг миқдори ни кўпайтириш вазифаси ҳамма вақт олдимизда турса ҳам, ҳозир асосий гап соғиб олинаётган сутнинг миқдорини кўпайтиришдагина эмас. Асосий гап шундаки, сигирлар сонини кўпайтириш керак. Ҳозир бизда қорамоллар орасида сигирлар ниначалик кўп эмас: кўпгина колхоз ва совхозларда ҳар 100 гектар ерга 4—6 талан сигир тўғри келади. Ҳар 100 гектар ерга 10—12 талан сигир тўғри келадиган колхозлар ва совхозлар бор, шунинг учун ҳам биз уларни мақтамоқламиз. Агар колхоз ёки совхозда ҳар 100 гектар яроқли ерга 20 талан сигир тўғри келса, бундай хўжаликларнинг раҳбарлари қаҳрамонлар қаторига ўтиб оладилар.

Маккажўхори экишни йўлга қўйишимиз мумкинлигини энди чинакам ҳис қилиб турган бир пайтимизда ҳар 100 гектарга 25 талан сигир боқишимиз учун курашмоқ керак. Буни ҳам кўп деб бўлмайди, балки озроқ дейиш ҳам мумкин. Маккажўхоридан моҳирлик билан фойдаланилган тақдирда ем-хашак базасини кўпайтирмоқ, бинобарин чорва моллар сонини ҳам оширмоқ учун гоят яхши имконият вужудга келади. Мана шу нарсага биз жуда жиддий эътибор беришимиз керак.

Сариёғ ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди. 1959 йилда мамлакатда 845 минг тонна ёки аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда 4 килограммдан сариёғ ишлаб чиқарилди.

Америка Қўшма Штатларида фермерлар ишлаб чиқарганини ҳам кўшиб ҳисоблаганда 1958 йилда 685 минг тонна ёки аҳоли жон бошига 3,9 килограммдан сариёғ ишлаб чиқарилган эди. Қўшма Штатлар қишлоқ хўжалиги департаментининг қилган ҳисобига қараганда бу йил фермерлар ишлаб чиқарганни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 658 минг тонна, ёки аҳоли жон бошига 3,7 килограммдан сариёғ ишлаб чиқарилади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган сариёғ миқдори жиҳатидан 1959 йилда Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетди. **(Давомли қарсаклар).**

Буни хурсанд бўлиб қайд қилмоқ керак, ўртоқлар, чунки КПСС Марказий Комитетининг 1953 ва 1955 йилларгаги Пленумларида партия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда рўй берган камчиликлар мизни қатъиян очиб ташлаган қарорлардан кейин АҚШдаги реакцион матбуот колхозлар ўз обрўйини тўкиб қўйди, Совет Иттифоқидаги қишлоқ хўжалигида кризис бўлмоқда деб ва шу каби бўлмагур гапларни айтиб жар солган эди. Мана энди совет кишилари уларга «кризисинг» қанақалигини кўрсатиб қўйишди! Ваҳоланки бу, ишимизнинг фақат бошлангичидир, холос. Улар бизнинг бунақа ютуқларимизга кўникаверсинлар. Биз ахоли жон бошига ёғ ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШдан ўтиб кетдик. Бизда ишлаб чиқарилаётган сутнинг ялпи миқдори ҳам АҚШдагидан ортиқдир. Гўшт етиштириш жиҳатдан ҳам АҚШдан ўзиб кетадиган вақтимиз яқинлашиб қолди. **(Қарсаклар).**

Америкаликлар бунинг учун биздан хафа бўлишга ҳақлари йўқ деб ўйлайман. Биз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида уларга етиб олаётганлигимиз, улардан ўзиб кетаётганлигимиз натижасида уларнинг баъзи чақа ҳам бўлмайди, қўкармайди ҳам. Агар мамлакатимизда гўшт, сут ва ёғ кўп бўлса, бизнинг одамларимиз яхшироқ яшайдиган бўлади. Лекин совет кишилари америкача турмуш тартибини мақтовчиларни гердаймайдиган, кеккаймайдиган қилиб қўядилар. Социалистик хўжалик маҳсулотнинг ҳамма турларини ишлаб чиқариш соҳасида капиталистик хўжаликдан ўзининг афзал эканлигини очиқ кўрсатади. **(Гулдурос қарсаклар).** Кўрсатади деб айтиш унчалик аниқ сўз бўлмаса керак. Социалистик хўжалик ўзининг шак-шубҳасиз афзалликларини кўрсатди ва исбот қилди. Бундай фактга чидайолмайдиган ёки чидашни истамаган шахсларга эса биз маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш соҳасида ҳам АҚШдан ўзиб кетганимиздан кейин буни тагин ҳам яққол қилиб кўрсатамиз. Ўшанда биз уларга лўнда қилиб айтиб қўяқоламиз: бизларнинг ишлаб чиқарганимиз мана шу, сизларники мана шу. Мана қаранглар фалон хил молларни, фалон хил маҳсулотни ишлаб чиқариш энди бизда, Совет Иттифоқида аҳоли жон бошига сизлардагига, Қўшма Штатлардагига қараганда кўпроқ эканлигини ҳамма маълумотлар айтиб турганлигини кўра беринглар, дейлмиз. **(Қарсаклар).**

Илғорларнинг тажрибаси янги муваффақиятларга чақиради!

Ўртоқлар! Кўп ўртоқлар ўз областлари ёки республикалари умумий даражадан орқада қолаётганлигига жуда куйинмоқдалар. Шуни айтмоқ керакки, виждонли кишиларнинг ҳаммаси қўшнисининг иши яхши бўлса-ю, ўзиники ёмон бўлса, бунга жони ачийди. Биз қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланиши ёмон бораётир, деб айтаётганимиз йўқ. Бундай эмас, аксинча, бизнинг ишларимиз яхши, жуда яхши бормоқда. Лекин, ўртоқлар, ҳамма ишимиз яхши ва энди шошмасак ҳам бўлади, деб айтадиган бўлсак, бу оқилона гап бўлмас эди. Яқин ўтмишда қишлоқ хўжалигимиз жиддий равишда орқада қолиб келгани ҳолда ҳозир биз аҳволимизни яхшилаб олдик. Аммо энди аҳволимиз яхши бўлгани ҳолда ҳозирги кунда бўлганига қараганда тагин ҳам яхшироқ муваффақиятларни қўлга киритишимиз керак. Ҳар бир область илғорларнинг тажрибасига таяниб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тез кўтарилиб олиши мумкин, ўз имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиш соҳасида бир-икки йилнинг ўзида ўрнак бўлиб қолиши мумкин. Бизнинг ҳамма жойдаги одамларимиз яхши одамлар: рязанликлар ҳам, тулаликлар ҳам, калугаликлар ҳам, брянскдаги одамларимиз ҳам, киевликлар ҳам, бошқа областлардаги одамларимиз ҳам яхши кишилар, фақат уларни катта ишларга қўзғотиб билиш ва ташкил эта билиш керак, холос.

Мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлигини кўрсатадиган кўпгина мисоллар бор. Тамбов областининг Мичурин районида Евгения Ивановна Андреева раислик қилаётган Коминтерн номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхоз ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажарди. 1957 йилнинг кўкламида Воронеж шаҳридаги кенгашда ўртоқ Андреева, бизнинг колхозимиз ернинг ҳар 100 гектари ҳисобига 1960 йилда 170 центнердан гўшт етиштириб беради, деб колхозчилар номидан ваъда берди. Ўша вақтда бу сўзлар мамоқалдироқдек гувиллаб эшитилган эди. Колхоз ўз зиммасига катта мажбуриятлар олди. Кўп кишилар, мажбуриятлар ваъда бўлиб қолади, аммо натижа галвирни сувдан кўтаргандан кейин маълум бўлади деб, ўйлаган эдилар. Мана ҳали куз келгани, галвир сувдан кўтарилгани йўқ, фақат ёз ўтди, холос. Куз 1960 йилда келади. Лекин 1959 йил 2 декабргача Коминтерн номли колхозда ернинг ҳар 100 гектари ҳисобига 171 центнердан гўшт ва 350 центнердан сут етиштирилди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мана кўрдингизми, бизда мана шундай имкониятлар бор! Биз ўша вақтда бундай кенг миқёсда ўйламас эдик, шу сабабли, ўша вақтда ақлга сиғмайдиган бўлиб кўринган нарса ҳозирги кунда реал иш бўлиб қолди. Бу ишда ўртоқ Андреева биринчиликни олиб турибди. У Тамбов области қандай ишлар қилишга қодир эканлигини, ўзи бошчилик қилаётган колхоз қандай ишлар қилишга қодир эканлигини яққол кўрсатди. Бу эришилган даража эса ҳозир Америка Қўшма Штатларида бўлган даражадан анча юқоридир.

Партия Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ўртоқ Евгения Ивановна Андреевани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришга тақдим этадилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳар 100 гектар ер ҳисобига бу йил 150 — 170 центнердан гўшт етиштирган колхозлар оз эмас. Уларга шон ва шарафлар бўлсин, чунки улар ўртоқ Андрееванинг чақириғи билан ажойиб ишлар қилишга киришдилар ва чорвачиликни тез юксалтирмоқ учун ҳақиқатан реал имкониятлар борлигини очиқ кўрсатдилар, бу имкониятлардан қандай фойдаланиш кераклигини ўзларининг ишларидаги фактлар билан исбот қилдилар.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасида 1959 йилда Свердловск области (Обком секретари ўртоқ А. П. Кириленко, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ К. К. Николаев) ва Киров области (КПСС обкомининг секретари ўртоқ А. П. Пчельяков, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Ф. Объедков) катта муваффақиятларга эришиб, давлатга гўшт сотиш соҳасида икки йиллик планни бажардилар. Бу областларни Ленин орденлари билан мукофотлашга тақдим қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар, меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи—механизация масаласидир, техникани ўзлаштириш, уни эгаллаш масаласидир. Шунинг учун ҳам ҳозир биз бу нарсага алоҳида эътибор беришимиз керак. Мен Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларида бўлганимда шу республикалардаги қишлоқ хўжалик ходимларининг фидокорона меҳнати билан танишиб чиқдим. Пахтакорнинг меҳнати ҳақиқатан ҳам жуда зўр меҳнатир. Яқин-яқинлардагина кўп ишлар кетмон билан бажарилар эди. Тожи-

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

кистон ёки Ўзбекистоннинг жазирама офтобида бир неча килограмм оғирликдаги кетмонни эртадан-кечгача чопиб кўринг-чи, ана ўшанда унинг нималигини биласиз. Мана шундай меҳнатни асосан хотин-қизлар бажарар эди. Ёки пахта теришни олиб кўринг. Ахир хотинлар бир мавсумда минг килограммлаб пахта териб беришар эди.

Ш. Рашидов. Баъзилар 3 тоннадан пахта теришади.

Н. С. Хрушчев. Бу 3 тоннани териб олиш ҳам майлия, яна уни даладан олиб чиқиш ҳам керак! Лекин ўша вақтда ҳам пахта терадиган машиналаримиз бор эди. Биз бундай машиналарни шу қадар кўп чиқарган эдикки, агар одамлар бу машиналарни эгаллаб олсалар, пахта теришда қўл меҳнатидан батамом воз кечиш мумкин бўлур эди.

Чигитни квадрат-уялаб экиб берадиган, ғўза қатор ораларини икки ёқлама ишлайдиган ва кетмонга сира ўрин қолдирмайдиган машиналаримиз ҳам бор.

Лекин баъзи кишилар ўзларининг эски одатларини тарк қилмадилар, ўзларининг қолоқликларини кўрсатдилар. Кўпгина яхши машиналар утилга топшириб юборилди, натижада кўпчилик колхозлар ва совхозларда пахтани қўлда териш давом эта берди.

Аммо Ўзбекистон раҳбарлари машиналарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини, машиналарнинг аҳамиятини тушунтириш зарурлигини, энг муҳими эса ғўза қатор ораларини машина билан ишлаб, пахтани машинада термоқ учун машиналарни эгаллаб олишга лаёқатли бўлган уқувли кишиларни колхозчилар орасидан танлаб олиш зарурлигини тушуниб олганларидан кейин уларнинг иши юришиб кетди. Ўртоқ Рашидов ўз докладида бу ҳақда яхши гапириб ўтди, ташлаб қўйилган машиналарни олиб, ремонт қилиб ишга солганликларини ва одамлар шу машиналарда ишлаб, ҳақиқатан ҳам фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатганликларини айтиб берди.

Бинобарин, гап фақат яхши машинадагина эмас, экан. Бизнинг баъзи кишиларимиз гарчи ўзлари машинанинг нималигини баъзан тушунмасалар ҳам, машиналарнинг сифати паст деб баҳона қилишни яхши кўрадилар. Жуда кўп вақт ўз ишига яхши моҳир бўлган киши ёмон машинада ишласа ҳам, яхши натижага эришуви мумкин, ишнинг кўзини билмаган киши эса яхши машинада ишлаб ҳам ҳеч бир натижага эришолмайди, машинани бузиб қўя беради, холос. Биз одамларни машина техникасидан яхши фойдаланганликлари учун рағбатлантиришимиз зарур. Бундай одамларни моддий жиҳатдан ҳам, жамоатчилик йўли билан ҳам, давлат йўли билан ҳам рағбатлантириш лозим.

Партия Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қуйидаги ўртоқларга қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишда комплекс механизацияни жорий қилиш соҳасида ташаббус кўрсатганликлари ва юксак меҳнат унумдорлигига эришганликлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумига таклиф киритдилар:

Ўртоқ Турсуной Охуновага **(Давомли қарсаклар);**

Ўртоқ Валентин Афанасьевич Тюпкога **(Давомли қарсаклар);**

Ўртоқ Мелиқўзи Умурзоқовга **(Давомли қарсаклар).**

Бу ўртоқлар Ленин ордени билан мукофотланганлари яқинда эълон қилинган эди. Биз мазкур Фармонни ўзгартириб, уларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришни таклиф қилдик **(Давомли қарсаклар).**

Тошкент областидаги Киров номли колхознинг механик-хайдовчиси Ўртоқ Турсуной Охунова шу минбарга чиқиб нутқ сўзлади. Бу аёл ҳаммамизга маъқул тушди. Уни кўрган киши, кўринишда шунчалик нозик бир аёл шу қадар сергайрат, шу қадар матонатли бўладими, деб ҳам ўйлайди. У ишонч билан машинани ишлатишга киришди, машинадан қўрқмай, уни яхшилаб ўрганиб олди. Ўртоқ Охунова трактор бригадасининг бошлиғи Ўртоқ Тюпко билан мусобақа бошлади. Ўртоқ Охунова мамлакатимиздаги ёш бўғинининг муносиб намояндасидир. Мен бир ўзим, дейди Охунова, 100 киши қўлда терган пахтани машинада териб бераётирман.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштиришни кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бизда меҳнат унумдорлиги одамнинг тинкасини қуритиб ишлатиш ҳисобига оширилаётгани йўқ, балки машиналардан яхшироқ фойдаланиш, ишни моҳирлик билан, яхши ташкил қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширмоқдамиз. Шунинг учун ҳам маниз шундай ёш аёлнинг бир ўзи 100 кишининг ишини қилмоқда. У машинани эгаллаб олганлиги туфайли шундай натижага эришди. Биз уни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан шуҳрат қозонди. У шу йилнинг 11 ойи мобайнида 2076 чўчқани боқиб семиртирди ва давлатга 1972 центнер чўчқа гўшти топширди. Татьяна Перешивко Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. **(Давомли қарсаклар).**

Латвия ССРдаги «Катениекий» совхозининг ишчиси Антон Петрович Бартулис жуда катта муваффақиятга эришди. У бу йил икки минг чўчқани боқиб семиртириб, давлатга топширди ва келгуси йилда уч минг чўчқани боқиб семиртириб давлатга топшириш мажбуриятини олди. Ўртоқ Бартулис Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон олишга арзирлик иш қилди. **(Давомли қарсаклар).**

Биз Марказий Комитет Президиумида бу масалани муҳокама қилдик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, бу ерга чақирилган, шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатаётган ҳамда колхозларимиз ва совхозларимизда бўлган имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланишда ибрат бўлаётган, биз тажрибаларини муттасил ўрганиб келаётган кишилар, мана шундай кишилар тақдирланиши зарур деб ҳисоблаймиз, токи улар бундан бўён ҳам фидокорона меҳнат қиладиган бўлсинлар ҳамда ҳамма колхозлар ва совхозлар учун ҳамиша ўрнак бўлсинлар.

Донгдор новаторлар, колхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчилари — Евгения Алексеевна Долинюк, Анна Михайловна Ладаний, Макар Анисимович Посмитний, Ҳамроқул Турсунқулов, Саидҳўжа Ўринхўжаев, Сергей Ксенофонтович Коротков, Кирилл Прокофьевич Орловский, Иван Федорович Кабанец, Терентий Семёнович Мальцев, Пётр Алексеевич Прозоров, Александр Васильевич Гиталов, Василий Васильевич Грачев ва бошқа кўп кишилар Марказий Комитет Пленумининг ишида қатнашдилар. Меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатган ва эришган муваффақиятлари учун илгари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлган ўртоқларни «Шавкатли меҳнат учун» медаллари билан мукофотлаш тўғрисида таклиф киритдик. **(Давомли қарсаклар).** КПСС Марказий Комитети Президиумида маслаҳатлашиб, «Шавкатли меҳнат учун» медалининг аҳамиятини кўтариш керак, деб якдиллик билан бир хулосага келдик. Бундай медаль олишнинг аҳамияти нимада? Бундай медаль олиш қилинган шавкатли меҳнатнинг жамоатчилик ва давлат томонидан эътироф қилинишига сазовор бўлиш демакдир, меҳнатда ўзини яхши кўрсатган ўртоқ бу катта шарафга сазовор бўлади, демакдир. «Шавкатли меҳнат учун» медалини олишга сазовор бўлиш ҳар бир граждан учун фахрлидир. **(Давомли қарсаклар).**

XXI съезднинг ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажаришни ташкил этиш учун кўрашда ўрнак кўрсатган ва Пленумда қатнашган бошқа ўртоқлар ҳам «Шавкатли меҳнат учун» медаллари билан мукофотланадилар, деб ўйлаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўз мажбуриятларини бажаришнинг кўпгина ажойиб мисолларини келтириш мумкин. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида етти йиллик план вазифаларини муддатидан олдин бажармоқ учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар бир республикага, ўлкага, областга бир назар ташланг, ўртоқлар. Юксак меҳнат унумдорлигига эришиш намуналарини кўрсатаётган, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари бўлган минглаб кишилар ҳамма жойда бор. Уларнинг ибратли ишлари барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини руҳлантирмоқда, уларнинг тажрибалари етти йиллик план топшириқлари оширилиб бажарилишига ишонч туғдирмоқда.

Кўп республикалар, ўлкалар ва областларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ажойиб муваффақиятлари, бу ерда Пленумда қайд қилиб ўтилди. Бироқ, олинган мажбуриятларни бажармаётган раҳбарлар ҳам бор.

Шу сабабли баъзи ўртоқларни танқид қилиб ўтишга ҳам тўғри келади. Молиомики, мажбурият олдингми, уни бажаришинг керак, деган гап бор. Баъзи раҳбарлар Рязанга тақлид қилиб катта-катта мажбуриятлар олдилар-у, лекин шу мажбуриятларни бажаришни ташкил этишда Рязанга тақлид қилмадилар ва уялиб қолдилар.

Масалан, Брянск областига доир баъзи маълумотларни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз. Бу область 1959 йилда колхозлар ва совхозларда сўйилган вазнда ҳисобланганда 51 минг тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олган эди. Ҳақиқатда эса 11 ой ичида 21 минг тонна гўшт етиштирди. 1958 йилда 24 минг тонна гўшт етиштиришган эди. Кўриб турибсизки, область ўз мажбуриятларини бажариш ўққа турсин, ҳатто гўшт етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан камайтириб ҳам юборди. Агар мажбуриятлар шу тартибда бажариладиган бўлса, у ҳолда биз мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш уёқда турсин, балки борини ҳам еб қўямиз.

Брянск раҳбарлари ҳамма нарсани худога тўнкашга уринсалар керак. Инсон бир вақтлар худони ўйлаб чиқарган эди. Гарчи худони ҳеч ким кўрмаган бўлса ҳам, унинг овози бўлмаса ҳам, лекин баъзи ношуд раҳбарлар ҳозир ҳам ҳамма айбни унга тўнкашдан қайтмайдилар. **(Залда жонланиш).**

Брянск областидаги ерлар ёмон ерлар эмас. Бу областнинг одамлари яхши одамлар, бошқа областлардаги одамлар сингари улар ҳам меҳнаткаш кишилардир, бошқалардан қолишмайдиган натижаларга эришишлари мумкин. Агар раҳбарлар халқни ташкил қила билганларида эди, кўрсаткичлар ҳам бошқача бўлур эди.

Брянск областига қўшни бўлган областлардаги кўп районлар ва колхозлар худди ана шундай ерларда ишлаб, яхши ҳосил олмоқдалар, чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Мисол учун Курск областидаги Калиновка колхозини кўрсатиб ўтайлик. Бу қишлоқ уч область—Курск, Суми ва Брянск областлари туташган ерга жойлашган қишлоқдир. Калиновка қишлоғидаги колхозда бу йил ҳар 100 гектар ерга ҳисобланганда 130 центнердан гўшт ва 500 центнердан сут етиштирилди. Курск ва Суми областларидаги бошқа бир қанча колхозларда яхши натижаларга эришилди.

Одамларни танлай билиш, уларни ташкил эта билиш, катта ишларга қизиқтириб сафарбар қила билиш керак, ўртоқлар. Раҳбарнинг ўзи жон куйдириб ишлагандагина бунга эриша олади, ана шунда одамларни ҳам ўзига эргаштира олади. Агар раҳбарнинг ўзи музга ўхшаса, у ҳеч кимни қизиқтира олмайди, бошқаларни музлатиб қўяберади, холос. **(Залда жонланиш).**

Бор резервлардан тўла фойдаланмаган ва олинган мажбуриятларни бажаришда қолоқликка йўл қўйган бошқа областларни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Маҳсулотларнинг баъзи турлари бўйича тузуккина кўрсаткичларга эришган, аммо баъзи турлари бўйича, айниқса гўшт етиштириш ва уни давлатга сотиш соҳасида ўз мажбуриятини кам бажарган областлар бор.

Шу нарса эсимдаки, баъзи ўртоқлар ўз зиммаларига мажбуриятлар олганда мен уларга: сизлар чорвачилик соҳасида олган мажбуриятларингизни ёзиб кўрсатилган миқдорда бажаролмай қолишингиз ҳам мумкин, деб айтган эдим. Сизлар мўлжалланган планларни бажаришда эҳтимол қийналиб қолурсиз, деган эдим. Эҳтимолки, сизлар боғдорчиликни, узумчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берсангиз яхши бўлур эди, бу ишни сизлар яхши йўлга қўйишингиз мумкин, деган эдим. Улар йўқ, мажбуриятни бажарамиз, деб туриб олган эдилар. Мана энди орадан бир йил ўтди—мажбуриятлар бажарилмай қолди, энди улар индамай ўтирибдилар. Гарчи уларнинг фамилиялари бу ерда тилга олинмаган бўлса ҳам, лекин улар гап кимнинг ҳақида бораётганлигини биладилар, ўз сўзларининг устидан чиқмаганликларини биладилар.

Мажбурият олаётганингизда ўз имкониятларингизни яхшилаб чамалаб кўришингиз керак, ўртоқлар. Лекин мажбуриятларни ўртоқ Андреева олгани сингари, рязанликлар олгани сингари дадил бўлиб олиш керак ва бу мажбуриятларни бажариш ларкор. Бунинг учун катта ташкилотчилик ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Фақат дадил, довюрак одамларгина олга боришлари ва бошқаларни ўзларига эргаштиришлари мумкин. Агар иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса: мажбурият олиниб, кейин иш қандай бўларкин, деб кутиб ўлтира берилса, ботқоққа тушиб, ботиб қолиш мумкин. Ҳозир бу ҳақда ортиқ гапириб ўтиришнинг, фамилияларни айтиб беришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бу йил ўз мажбуриятларини бажармаганларга бамисоли бир аванс берайлик, улар келгуси йилда яхшироқ ишлайдилар, деб умид қиламан. Агар ёмон ишласалар, биз буни унутмаймиз: келгуси йилда баъзи ходимларга бу йилни ҳам эслатиб қўямиз.

Эришилган натижалар билан хотиржам бўлмайлик, ишни тинмай яхшилайлик!

Ўртоқлар! Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг моддий аҳволи анча яхшиланди. 1959 йилнинг 11 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан аҳолига гўшт маҳсулотлари 20 процент, сут маҳсулотлари 10 процент, тухум 9 процент, қанд-шакар 10 процент кўп сотилди.

Корхоналарда ва колхозларда меҳнаткашлар билан учрашиб, суҳбатлар ўтказилганида, йиғилишларда сўзланган нутқларда партия Марказий Комитетига ва Министрлар Советига юборилган хатларда совет кишилари партия ва ҳукуматга халқ тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик учун ташаккур айтмоқдалар. КПСС Марказий Комитетига юборилган айрим хатларни ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз.

Мана, Ленинградда, вокзалда тарозибон бўлиб ишлаётган, Ватан уруши инвалиди Иван Васильевич Шабловскийнинг хати. Шабловский бундай деб ёзади:

«Бир илтимос билан мурожаат қилишга ижозат бергайсиз. Эйзенхауэр жаноблари СССРга келганида ва бизнинг Ленинград шаҳрида бўлганида шахсан мен ўзим унга уни бизникига келишга таклиф қилар эдим, мен қандай яшаётганлигимни, партиямни, ҳукуматимни қандай қадрлаётганлигимни, улар ҳам мени қандай қадрлаётганликларини ўз кўзи билан кўрсин дейман.

Мен икки урушда қатнашган кишиман. Кейинги урушда бор-йўғимдан айрилдим. Мен иккинчи группа инвалид бўлишимга қарамай, ўз ҳукуматимиз ва Коммунистик партия туфайли 40 квадрат метрлик ёруғ уйга, деразам ёнида ўсган боққа, сабзавот экиладиган ерга, телевизор, радио, велосипедга эгаман. Иккита шкаф, иккита кровать сотиб олдим. Бизнинг оиламиз уч бола, хотиним ва менман иборат, яхши яшамоқдамиз, бундан ортиғининг бизга кераги йўқ. Хуллас шуни айтишимиз керакки, уларда, Ғарбда ҳам ҳамма нарсани ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

нима экиш мумкин? Буни ҳамма яхши билади. Агар сиз вика-сули аралашмасини эксангиз, унинг ҳосилини ўз вақтида ўриб олсангиз, ерни ўз вақтида ҳайдаб қўйсангиз, сўнгра кузги буғдой ёки жавдар эксангиз, унда буғдой ва сулидан яхши ҳосил оласиз.

Маккажўхори эксангиз, тагин кўпроқ озуқа единицаси оласиз, маккажўхорини (мен Орёл, Курск, Брянскни мисолга оляпман) августда ўриб олсангиз, ҳар гектардан 400 центнер, эҳтимолки, 500 центнергача етказиб кўкпоя оласиз. Сўнгра шу ерга буғдой эксангиз, ундан тоза шудгорга экилганига қараганда кам эмас, балки эҳтимол, кўпроқ ҳам ҳосил оласиз.

Мана шу 6 миллион гектарнинг ўзи қўриқ эмасми, ўртоқлар! Шу ерларни ишга солинглар, колхозлар ва совхозлар қанча озуқа единицаси олишлари мумкинлигини, бунинг натижасида қўшимча равишда қанча сут беришлари, қанча сариғ мой олиниши мумкинлигини ҳисоблаб кўринглар. Такрор айтаманки, бу ерлар ҳеч қандай алоҳида ҳараж талаб қилмайди. Энг кам меҳнат сарфланадию, аммо сарфланган меҳнатга қараганда бир неча баравар кўп ва тез унум олинади.

Биз 36 миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштирдик. Ўртоқ Мальцев ва бошқалар қилганидек шу ерларнинг бешдан бир қисми тоза шудгор қилиб ажратиб қўйилса, у ҳолда 7 миллион гектар ер тоза шудгор бўлиб туради. Шу 7 миллион гектар ерга викасули аралашмаси, ёки маккажўхори экилса, чорва моллар учун жуда кўп ем-хашак олиш мумкин бўлади. Бу эса баҳори буғдойнинг ҳосилига ҳеч қандай зарар етказмаган бўлур эди. Бу ерда айтиб ўтилганидек, маккажўхори буғдой экишдан олдин экиладиган жуда яхши экиндир. Шимолий Қозоғистон областидаги Чистовский совхозида қора шудгорга экилган буғдой гектаридан 10 центнердан ҳосил берди, олдин маккажўхори экиб олинган ерга экилган буғдойнинг гектаридан эса бу йил 17 центнердан ҳосил олинди.

Қўриқ ерга экилган маккажўхори яхши силос тариқасида жуда кўп миқдорда мол озуқаси олишнинг манбаидир. Мол гўшти ва кўй гўшти ҳам шундан келиб чиқади, сут ҳам шундан келиб чиқади.

Бу гапдан Қозоғистонда ва Сибирдаги қора шудгор қилиб қўйилган ерларни барҳол йўқотиш керак, деган маъно чиқмайди, албатта. Афсуски, ҳали ҳамма ҳам маккажўхорига меҳр қўйгани йўқ, унинг фойдасини тушуниб олгани йўқ, ҳамма ҳам маккажўхорини ўстиришни ўрганиб олгани йўқ. Лекин қўриқ ерларгаги тажриба хўжаликни мохирлик билан бошқарган тақдирда экин билан банд қилиб қўйилган шудгорнинг яхши натижалар бериши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Бинобарин, агар сернам районлардаги 5 миллион гектар тоза шудгорга Қозоғистон, Сибирь, Уралдаги 6—7 миллион гектар шудгорни қўшсак, 12—13 миллион гектар яхши қўриқ келиб чиқади.

Дон ва озуқа ресурсларини тўлдиришнинг аҳамияти кам бўлмаган иккинчи манбаъ шуки, экин майдонларининг структурасини қайтадан кўриб чиқиш, кам ҳосил экинларни серҳосил экинлар билан алмаштириш керак.

Баъзи рақамларни айтиб бераман. Қаранг, қандай натижа ҳосил бўлади. Колхозлар ва совхозлар хашаки лавлаги экмоқдалар. Гектаридан 300 центнердан ҳосил олинганида бу ҳосил 5200 озуқа единицаси беради, агар хашаки лавлаги ўрнига қанд лавлаги экилса, мана шунинг ўзи 9500 озуқа единицаси, ёки икки баравар кўп озуқа единицаси беради.

Шу вақттача жуда кўп ерларга сули экилмоқда. Хўш, сули қандай ҳосил бераётир? Гектаридан 5—7 центнер дон олинмоқда. Москва областида бир неча ўн минг гектар ерга сули экилмоқда. Нима учун бу ерда сули экишяпти? Отларга ем қилиб бериш учун экиляпти. Лекин сизларга маълумки, ҳозир отлар ишлаётгани йўқ, Москва область колхозларида отлар табаррук жонвор бўлиб қолди. **(Залда кулги).**

Ери қора тупроқ бўлмаган зонанинг бошқа областларида тагин ҳам кўпроқ ер сули билан банд қилиб қўйилмоқда.

Киров областида 544 минг гектар ерга сули экиб, гектаридан 6,9 центнер ҳосил олмоқдалар; Горький областида 299 минг гектар ерга сули экиб, 7,9 центнердан ҳосил олинмоқда; Калинин областида 296 минг гектар ерга сули экиб, 8 центнердан ҳосил олинмоқда; Смоленск областида 292 минг гектар ерга сули экиб, 5,2 центнердан ҳосил олинмоқда; Орёл областида 171 минг гектар ерга сули экиб, 8,2 центнердан ҳосил олинмоқда. Агар шу ерларга маккажўхори экиб, гектаридан лоақал 300 центнердан ҳосил олинса, ем-хашак миқдори бирданига 5—6 баравар кўпаяди!

Шуни айтиб ўтишим керакки, ўртоқлар, мен ҳозир ҳамма сули ўрнига маккажўхори эксин, деб таклиф қилаётганим йўқ. Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириқ учун бунга тайёргарлик кўриш керак. Лекин шундай қилиш тўғри эканлигига аминман. Кам ҳосил экинлар ўрнига маккажўхори экиш ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар очиб берали.

Москва области колхозларида кечки картошка экишни камайтириш мумкин бўлса керак, деб ўйлайман. Сабаб? Биринчидан, бунинг сабаби шуки, шаҳарни картошка билан ихтисослаштирилган совхозлар таъминлаши мумкин. Москвани қиш вақтида таъминлламоқ учун экиладиган кечки картошканинг маълум бир қисмини Москва область колхозларида эмас, балки Орёл, Тула, Курск ва бошқа баъзи областларда экиш яхшироқ бўлур эди. Бу областларда картошкани кузда кавлаб олиш учун бўлган шароит Москва областидагига қараганда яхшироқдир. Одатда Москва областида кузда жуда кўп ёмғир ёғади, Орёлда, Курскда ва Тулада эса куз қуриқроқ бўлади. Шу сабабли 300—400 минг тонна картошкани 200—300 километр нариданМосквага ташиб келтириш ва Москва области колхозларидаги ерларни маккажўхори экиш учун ажратиб қўйиш фойдалироқ бўлади. Бу билан Москва области колхозларида силос бостириш кўпайтирилади, ҳар 100 гектар ерга ҳисоблаганда сигирларнинг сони ортади. Аммо ҳозир биз Москвага сутни Тула ва Орёлдан олиб келмоқдамиз. Орёллан сут ўрнига картошка ташиб келиш, сутни эса истеъмолчига яқинроқ ердан олиш, яъни уни Москва атрофидаги колхозлар ва совхозлардан янгигина қилиб олиб келиш яхшироқ, бўлмайдими, ахир. Бир хилдаги ер фонди имкониятларидан тўғрироқ фойдаланиш леб шунга айтилади. Фақат бир экиннинг ўрнига бошқа хил экинларни экиш керак, холос. Ана шунда биз қисқа муддат ичида, бир йилнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришимиз мумкин.

Белоруссияни олиб қаранг. Белоруссияда қанча ерга картошка экилади? Бир неча юз минг гектар ер картошка билан банд. Белорус ўртоқлар, сизларнинг картошкаҳўр, леган шуҳратингиз бор. Лекин назарда тутиш керакки, ота-боболарингиз картошкаҳўр бўлганлигининг сабаби бор эди. Улар бошқа озуқалари бўлмаганлиги, ейдиган бошқа овқатлари бўлмаганлиги учун картошка еганлар. Агар кишига гўшт, сут берсангиз, у сут ва хушхўр чўчқа гўшти ўрнига картошка талаб қилмайди. Сизларда ҳам картошка экилаётган ерларнинг бир қисмига маккажўхори экиш мақсадга мувофиқ бўлиб чиқар, буни ўйлаб қаранглар. Сизлар гектаридан 90 центнер картошка олмоқдасиз. Агар маккажўхори экишга одатлансангиз, олинадиган озуқа единицаси бир неча баравар кўпаяди. Сизлар сўталардан чўчқаларни боқиб семиртириш учун, маккажўхори поясидан эса говмуш сигирларни боқиш учун фойдаланишингиз мумкин. Натижада сизлар мол гўшти, сариёг, сутни кўпроқ етиштирадиган бўлиб қоласиз. Бунинг учун эса қўшимча ҳеч қандай капитал маблағ сарфлашнинг ҳожати йўқ. Бу ерлар ўзлаштирилган ерлар бўлганлиги сабабли ундан фақат билиб фойдаланиш керак, холос. Дон ва озуқа ресурсларини кўпайтиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган бу нарсага сизларнинг эътиборингизни жалб қиламан.

Колхозлар ва совхозлар қўриқ ерларни ҳам ўзлаштира берадилар, албатта. Узоқ Шарқда менга Амур областида фойдаланилмасдан ётган яхши ерлар бор, деб айтишган эди. Қани, амурлик ўртоқлар айтингларчи, сизларда шундай ердан қанча бор?

Овоз. 600 минг гектар!

Н. С. Хрушчев. Олти юз минг гектар оз ер эмас. Амур областида соя экиб ўстиришни ўйлаб кўриш керак. Менга айтишларига қараганда, Хитой Халқ Республикасининг Амур областига қўшни районларида гектаридан 14 центнер, яхши хўжаликларда эса 24—25 центнер соя олишмоқда. Биз ҳам Амур бўйида соядан яхши ҳосил олишимиз, озиқ-овқат саноати учун соя мойи ишлаб чиқаришимиз мумкин. Бу нарса мамлакат учун фойдали бўлур эди.

Ўртоқлар! Гречиха тўғрисида икки оғиз гапирмоқчиман. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, баъзи республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ва совет органлари Марказий Комитетнинг гречиха етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармадилар. Қишлоқ хўжалигидаги планлаштиришнинг янги тартибини жорий қилган вақтимизда ҳар бир область ва республикаларнинг раҳбарлари ҳар бир галла экинидан дон етиштириш планларини бажаришларини таъминлашлари кераклигини шарт қилиб қўйган эдик. Хўш, ҳақиқатда нима бўлаётир? Давлатга гречиха ва ҳатто тариқ сотиш йилдан-йилга камайиб кетяпти. Эҳтимол, сизлар овқатимиз борщч билан каша деган Матални болалигингизда эшитган бўлсангиз керак. Дуруст, ҳозир совет кишилари сергўшт борщч ичадиган, кашани сут ёки мой билан пишириб ейдиган бўлиб қолганлар. Лекин ҳамма ҳам кашадан воз кечгани йўқ-ку. Ахир, руслар ёки украинлар гречихадан пиширилган кашасиз тирикчилик қилишлари мумкинми. Ўзбекнинг паловсиз тирикчилик қилиши мумкин бўлмаганидек, руслларнинг ҳам кашасиз тирикчилик қилиши мумкин эмас. Шу сабабли ўзбекларни паловга, руслар, украинлар ва белоруслари гречиха ва тариқ кашасига сероб қилиб қўйиш керак. Қишлоқ хўжалик мянистрлиги келгуси йилда гречиха ва тариқ етиштиришнинг кескин равишда кўпайтирилишини кузатиб туриши лозим. Маҳаллий раҳбарлар Совет кишиларининг дастурхонида гречихадан ҳам, сўкдан ҳам пиширилган каша бўлиши учун жавобгар эканликлари ҳақида уларни пленум минбаридан огоҳлантириб қўйиш фойдали бўлур эди, деб ўйлайман. Буни давлатга дон сотчш планларида кўзда тутиш керак.

Энди далаларни ўғитлаш тўғрисида гапириб ўтай. Органик минерал компостларнинг ҳосилдорликни ошириш учун бўлган аҳамияти тўғрисида Трофим Денисович Лисенконинг сўзлаган нутқларини кўп марталаб эшитганман. У бундан бир неча йил муқаддам Москва областини оталикка олиб, колхоз ва совхозларда жуда фойдали ишларни қилган эди. Сўнгра ундан Горький областини оталикка олишини илтимос қилишди. Горький областининг колхоз ва совхозлари ўртоқ Лисенко таклиф қилган ўғитлаш методини қўлланиб, яхши натижаларга эришдилар. Шу сабабли тупроқ-гўнг аралаштирилган компостлар ва бошқа хил компостлар тайёрламоқ учун доломит, оҳак қазиб чиқаришни ташкил этиш керак.

Гўнг тўплашни, уни тўғри асрашни ва ерга солишни ташкил этиш вазифасини ҳозир энг муҳим вазифаларнинг бири қилиб қўйиш керак. Немисларда, сен тўплаган гўнг қай аҳволда эканлигини менга кўрсатсанг, мен сенинг қандай ишбилармаид киши эканлигингни айтиб бераман, деган бир мақол бор.

Хўш, бизда гўнгга қандай назар билан қаралмоқда? Колхоз ва совхозларда гўнг кўп, лекин ундан нотўғри фойдаланмоқдалар, гўнгни кузда ёки ёзда далага чиқариб, майда-майда қилиб, уйиб қўядилар. Ёмғир, қор гўнгнинг кучини кетказиб қўяди, унинг энг яхши моддаларини ёғин сувлари ювиб кетади, шамол эса қолган похолни қуритиб юборади. Натижада бу гўнг эмас, оддий поход бўлиб қолади.

Ҳар қайси колхоз ва совхоз ўзи бамисоли гўнг фабрикаси вужудга келтириши, гўнг сақланадиган, аталаси тўпланадиган жойлар қуриши, торфни, рўзгорда ҳосил бўладиган ҳар хил чиқитларни компостлашни ташкил этиши лозим. Ўз-ўзидан равшандирки, чорва моллар сонини кўпайтириш ўғит тўплашнинг энг зарур шартидир. Чорва мол кўп бўлса ўғит ҳам кўп бўлади; ўғит кўп бўлса ҳосил ҳам мўл бўлади, ҳосил мўл бўлса чорва ҳам кўпаяди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг мутлақо зарур қоидаси мана шу.

Қилинган ҳисобларни айтиб бериб сизларнинг вақтингизни олиб ўтирмайман, бу ҳисоблар матбуотда неча марталаб эълон қилинган. Шундай бўлса ҳам, бир фактни эслатиб ўтаман. Бизга керакли миқдордаги органик ўғитлар ўрнига минерал ўғитлар- ишлатмоқ учун кўпгина янги заводлар қуриш, бу ишга ўн миллиард сўмлаб пул сарфлаш керак бўлур эди. Албатта, ҳозирча биз бунга қиролмаймиз, биз керагича минерал ўғитлар ишлаб чиқара олмаймиз.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун ажратилаётган маблағларнинг бир қисмини мочевина ва гербицидлар чиқарадиган корхоналар қуришга сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлмасмикин, буни ўйлаб кўриш керак. Мочевина — ҳаводан олинган азотдир, қорамолларни боқиб семиртирмоқ учун уларга бериладиган озуқага қўшиб ишлатилиши мумкин бўлган оқсил моддадир. Мочевина оқсилли озуқа тариқасида маккажўхорига жуда яхши қўшимча бўлади. Мочевина айни вақтда яхши ўғит ҳамдир.

Такрор айтаманки, гўнг тўплашни ташкил этиш керак. Ўғитлардан яхши фойдаланиш учун мусобақа бошлаб, бунинг қандайдир шартларини ишлаб чиқиш яхши бўлур эди, токи, бу муҳим участкада ҳам шу ишнинг ўз илғорлари, совхоз директорлари, колхоз раислари, звено бошлиқлари, бригадирлар етишиб чиқсин, улар бу масалаларни кўтариб чиқсинлар, ҳосилдорликни ошириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ана шу муҳим ишда ташаббус кўрсатадиган бўлсиндар.

Топширилган иш учун масъулиятни оширайлик, омманинг жанговар ташкилотчиси бўлайлик

Ўртоқлар! Бугун ўзлаштирилган ерлардаги ишларнинг сифати тўғрисидаги, деҳқончилик маданиятини ошириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш зарур. Ўзлаштирилган ерларда моддий воситалар етарли, асбоб-ускуна, техника бор, бу ерда ажойиб кишилар ишламоқда. Ўзлаштирилган қўриқ ерлардан давлат кўп миқдорда ғалла олмоқда. Лекин барибир, янги ерлардан хўжаликни тўғри бошқариш туфайли олиш мумкин бўлган ғалланинг ярми ҳам олинмаётир.

Пленумда машҳур селекционер олим Ўртоқ Ф. Г. Кириченко сўзга чиқди. Мен йирик олимлардан бири Ўртоқ В. Я. Юрьев билан учрашган эдим. Колхоз ва совхозлар селекционерларимиздан хафа бўлмайдилар. Селекционерлар яхши навларни етказиб бердилар ва уларни янада яхшиламоқдалар. Бу гап ғалла экинларига ҳам, мойли экинларга ҳам тааллуқлидир. Ўртоқ В. С. Пустовойт етиштирган кунгабоқар нави сифат жиҳатидан жуда ажойиб. Буғдойнинг кўпгина навлари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Аммо шундай бўлса-да, янги навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, уруғчиликни ташкил қилиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Кўпгина колхозлар қайси навларни экаётганликларини билмайдилар.

Масалан, у ёки бу областга маккажўхори уруғининг қайси навини юбориш керак, деб сўрасангиз, шундай жавоб эшитасиз: маккажўхори уруғини беравер, маккажўхорикор бўлганингдан кейин қайси навини беришни ўзинг билишинг керак! **(Залда кулги).**

Хўжаликни бошқаришга бундай муносабатда бўлиш ярамайди. Қишлоқ хўжалигини шундай ўзлаштириб олиш керакки, у ҳақиқатан ҳам маданий тарзда, фаннинг энг янги муваффақиятларини ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришидаги энг яхши кишилар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда бошқарилсин. Ҳамма бало шундаки, бизда қишлоқ хўжалигидан мутлақо хабарсиз бўлган ва қишлоқ хўжалиги нималигини ошхонага борганларида биладиган **(залда кулги)**, лекин қишлоқ хўжалиги юзасидан ҳоҳлаганча кўрсатма бераверадиган раҳбарлар ҳали ҳам учрайди.

Қишлоқ хўжалиги социалистик хўжалигимизнинг бошқа тармоқларидан, чунончи, саноатдан қолишмайдиган мураккаб соҳадир. Ваҳоланки, айрим ўртоқлар қишлоқ хўжалигини кўпинча маиший жиҳатдангина биладилар. Бу билимларни улар бувилари ва боболаридан ўрганганлар, шу сабабли бундай кишилар ҳамма нарсани биламан, деб ўйлайдилар, амалда эса бундай кишиларнинг билими баъзан қичитма ўтни олабўтадан фарқ қила олиш билангина чекланади. Агар у болалигида иштонсиз юрган бўлса, қичитма ўтнинг нима эканлигини билади, албатта **(залда кулги).**

Лекин бизнинг замонамизда қишлоқ хўжалигини маданий тарзда бошқариш учун бундай билимлар мутлақо кифоя қилмайди. Шу сабабли, ўртоқлар, биз ўзимиз билимимизни ошириб олишимиз керак, мен партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларини назарда тутмоқчаман, бошқаларни ҳам билимли қилишимиз лозим. Бу иш ончалик қўрқадиган иш эмас. Билим—ҳаммага муяссар бўладиган нарса. Илғор ёшларимиз билимни қандай эгаллаётганликларига назар ташланг. Киши ишлаб чиқаришга келади-да, дадиллик билан китоб ва дафтарни қўлга олади—ўқийди ва топширилган ишни тезда билиб олади. И. Н. Малашенкони мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу киши Совет Армиясидан келиб новатор-чўпон бўлиб қолди. Сизлар унинг қишлоқ хўжалик фанлари доктори билан нақадар моҳирона мунозара қилганлигини ва бу мунозара чўпон фойдасига ҳал бўлганини эшитгансиз.

Ёки чўчқа боқувчи Ярослав Чижни олиб кўринг. У чаласавод эди, ҳозир эса ўрта мактабда муваффақият билан ўқимоқда. Унинг фамилияси Чиж (саъва) бўлса ҳам, парвозин бургут парвозининг ўзи! **(Залда жонланиш, қарсаклар).** Мен шпонаманки, ўртоқ Чиж ўрта мактабни тамомлайди, у махсус ўрта маълумот ҳам олади, балки олий махсус зоотехник ёки бошқа бир маълумот ҳам олар. Мамлакатимиз меҳнат аҳлига ўқиш учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқда.

Ажойиб кадрларга эга эканмиз, бинобарин, биз энди қишлоқ хўжалиги соҳасида фақат энига қараб эмас, ичкарига қараб чуқурроқ боришимиз, экин майдонларини кўпайтириш йўлидангина эмас, балки энг яхши агротехникани жорий қилиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш йўлидан ҳам боришимиз, юксакроқ меҳнат унумдорлигига эришишимиз, маҳсулот таннархини камайтиришимиз керак. Қишлоқ хўжалигини бошқаришда бизнинг йўлимиз кўпинча экин майдонини кенгайтиришга асосланган экстенсив формалар эмас, балки ҳар бир гектардан, сарфланган ҳар бир меҳнат единицаси ҳисобига энг кўп миқдорда маҳсулот берадиган юқори малакали интенсив хўжалик, юритишдан иборатдир.

1954 йилда мен қўриқ ерларни ўзлаштиришни ёқлаб чиққан эдим, ҳозир ҳам биз бу ишни давом эттиришдан воз кечмаслигимиз керак. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳаётий зарур бир иш эди. Бундан буён ҳам янги ерларни оборотга киритиш муайян иқтисодий фойда келтиради. Лекин ерни ҳайдаб экин экиш ишнинг—энг қийини эмас. Техника билан таъминлаш, уруғлик бериш, кишилар юбориш керак—шундагина қўриқ ерларни ўзлаштириш мумкин. Энди биз қийинроқ ишга киришишимиз, бу ишни орқага сурмаслигимиз керак. Биз очилган қўриқларни яхшилаб ўзлаштиришимиз, деҳқончилик маданиятини оширишимиз лозим. Ана шу бирдан—бир йўл билангина энг кам меҳнат сарфлаган ҳолда етиштириладиган юқори сифатли маҳсулотлар мўл-кўллигини таъминлаш мумкин.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, илмий муассасалар, тажриба станцияларининг колхоз ва совхозларга хизмат кўрсатишини қайта қуриш масалалари алоҳида эътиборга сазовордир. Биз фан муваффақиятларидан, илғор олимлар, илмий фаолиятини практика билан мустаҳкам боғлайдиган кишилар муваффақиятидан яхшироқ фойдаланишимиз зарур.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кейинги йилларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Лекин бизда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар ҳам бор. Мен бу Пленумда Қозоғистондан келган ўртоқларни танқид қилмоқчиман. Қозоғистон ССР меҳнатқашлари барча қардош республикалар халқларининг ёрдами билан кейинги йилларда қўриқ ерларни ўзлаштириш ва ғалла етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта иш қилдилар. Лекин республика ўз имкониятларидан тўла фойдаланаётир деб бўлмайди.

Қозоғистон бу йил қўйилган вазифаларни эплай олмади ва энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларини қониқарсиз ўтказди.

Бу ерда ўртоқ Н. И. Беляев доклад қилди ва музокараларда Қозоғистон республикаси министрлар Советининг раиси ўртоқ Д. А. Қўнаев сўзга чиқди. Лекин бу ўртоқларда камчиликлар ҳақида гапириш учун партия аъзосига хос дадиллик етишмади. Шу сабабли Қозоғистонли раҳбар ўртоқлар, ўз нутқимда сизлар индамай ўтишни афзал кўрган нарсалар ҳақида гапирмоқчиман ва республикада қишлоқ хўжалик йилининг қандай якунланганини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Бу йил ҳам Қозоғистонда яхши ҳосил етиштирилди. Лекин ишнинг ёмон ташкил қилиниши натижасида бу ҳосил тўла йиғиб олинмади. 1 ноябрга келиб республикада 1 миллион 618 минг гектар майдондаги ғалла ўриб-йиғиб олинмай қолди. Менга маълумки, қозоғистонликлар буни ўзларича талқин қилишга уринадилар, улар бундай дейдилар: ғалланинг бир қисми биринчи қор остида қолди, кейин биз ғалла йиғдик. Лекин бу қанақа йиғиш бўларди. Ғоз, айниқса гозчалар ўтни қандай чимдиб кетишини сизлар биласизлар. Ғозлар ўтни чишлаб олади-да, бир зарб билан ўтириб қолади. Ғоз ўтган ўтлоқдаги ўтни сигир емайди **(залда кулги).** Бу ҳаммага маълум, Қозоғистонда ҳам қор остида қолган ғалланн тахминан ана шу тахлитда йиғдилар.

Мен аҳволни бироз жиддий қилиб кўрсатаяпман, лекин менинг фикримча, шундай қилиш тўғри. Дўстлик ўз йўли билан, хизмат ўз йўли билан. Халқда шундай бир матал бор: сен акам бўлсанг, ҳақиқат менинг онам. Беляев ва Қўнаев ўртоқлар, биз Пленумда сизларнинг юзингизга ҳақиқатни айтмасак, Қозоғистонда сизларга буни айтишмайди, албатта. Сизларнинг гапингизга қарсак чалишади. Сизлар, Марказий Комитетнинг Пленуми бўлди ва ҳамма иш силлиқ ўтди, дейсизлар. Ҳақиқатда эса аҳвол яхши эмас, жуда ёмон.

Қозоғистон ССР раҳбарлари, бирмунча миқдордаги ғалла пишиб етилмагани учун ўрилмади, дейишади. Ҳурматли ўртоқ Беляев, ғалла нима учун пишиб етишмади? Ғалланинг нима учун пишиб етишмаганини мен сизга айтиб берай. Сизларда кўкламги экинда 18 минг трактор қатнашмади, чунки улар ремонтдан чиқарилмаган эди. Бунинг маъниси нима, ўртоқлар? Бу—колхоз ва совхозлар экишни чўзиб юбордилар демакдир. Ўрим-йиғимга тайёргарлик кўриш пайти келганда Қозоғистонда экишни энди тамомлашган эди. Айбни худога тўнкашнинг ва ғалла пишиб етишмади дейишнинг нима ҳожати бор. Сизлар ўз вақтида экиб олингиз, шунда балки худо ҳам—сизлар ўз ишингизни қилдингиз, мен ҳам ўз ишимни қиламан, дер. **(Залда жонланиш).** Сизлар кеч экдингиз, энди эса, ғалла пишиб етишмади, дейсизлар. Бундай қилиш ярамайди! Сизлар Марказий Комитет Пленумида бу ҳақда лом-мим демадингиз. 18 минг тракторни ремонтдан чиқармадингиз, бинобарин улар ишга туширилмади, лекин қанчаданқанча трактор ёмон ишлади ва номигагина ишлади?! Бу тракторлар далага чиқиб тўхтаб қолди, экиш тамом бўлганча тўхтаб ётди. Хўжаликни бундай бошқариб бўлмайди, ўртоқлар!

Ҳосил ўрим-йиғимига тайёргарлик ва уни ўтказиш пайтида ҳам ана шундай камчиликларга йўл қўйилди. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг маълумотига қараганда, Қозоғистон колхоз ва совхозларида ҳосилни йиғиб олишда 32 минг комбайн, 21 минг подборшчик ва 11 минг жатка қатнашмади. Бу машиналар — жуда катта куч-ку, ахир! Сизлар бу машиналарни ишга солганингизда, ғаллани қор ёққунча йиғиб олган бўлар эдингиз. Бу машиналар бўлмаган, ишга туширилмаган экан, бошқа кўпгина машиналар эса, «Ростсельмаш» заводининг директори ўртоқ Иванов айтганидек, пошма-пошарлик билан тайёрланган ва дастлабки кунлардаёқ ишдан чиққан экан, ҳосилни ўриб-йиғиб олишнинг чўзилиб кетиши, бир қисм ғалланинг эса қор остида қолиб кетиши табиий бир ҳолдир. Шу тарзда ишнинг ёмон ташкил қилиниши натижасида давлатга катта зарар етказилди.

Ўртоқ Беляев, мен Сиздан, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишни таъминлаш учун яна нималар керак, деб сўраган эдим. Сиз бундай деб жавоб бердингиз:

— Ҳеч нарса керак эмас, ҳамма нарсани олдик, ҳамма иш бажарилади.

Мана, ўртоқлар, ҳақиқий аҳвол ана шундай. Бундай ишлаш ярамайди. Сўзнинг устидан чиқиш керак.

Бу каби хўжасизликка қандай қилиб йўл қўйилди? Ер ўзлаштирилган, машина ишлаб чиқаришга, ер ҳайдашга, уруғликка, экинларни парвариш қилишга меҳнат сарфланган-у, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлган. Бундай бўлишига ишнинг ёмон ташкил қилинганлиги сабаб бўлди.

Нима учун Рязань области сўзининг устидан чиқди, муваффақият қандай қилиб қўлга киритилди? Область партия ташкилоти, область партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Ларионов қўйилган вазифани ҳал этишга, қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга кишиларни тўғри уюштирди.

Қозоғистонда эса ташкилотчилик ишини авж олдириб юбормадилар, ғалла учун курашга чинакамига бошчилик қилмадилар. Ҳосилни муваффақиятли ўриб-йиғиб олиш учун даставвал кадрлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, тракторчилар, комбайнчилар ва бошқа механизаторларни танлаб олиш керак эди. Жойнинг ўзида танлаб олиш қийин экан, ёрдам сўраш керак эди. Украина, Шимолий Кавказнинг 30—50 минг энг яхши комбайнчисини самолётга ўтқазиб Қозоғистонга юбориш мумкин эди. Бу яхши комбайнчилар ғалланинг ўз вақтида ўриб-йиғиб олинишини таъминлаган бўлур эдилар. Тажрибакор киши ўн кишининг ишини қилган бўлур эди. Бизнинг маневримиз катта, ўртоқлар, мамлакатимиз чексиз ва бирор республикага доимо ёрдам кўрсатиш мумкин.

Балки, масалан, Қозоғистон совхозлари иши билан Украина совхозлари ишини мувофиқлаштириш, координация қилиш керакдир. Украина комбайнчилари ўз совхозларида ўрим-йиғимни тугаллайдилар-да, Қозоғистонга учиб борадилар. Балки, Краснодар, Ставрополь, Ростов совхоз ва колхозлари ишини Олтой ўлкаси ва Сибирнинг бошқа районларидаги колхоз ва совхозлар иши билан мувофиқлаштириш керакдир. Ёки маҳаллий заводлардаги юқори малакали кишилардан бир нечасини ўрим-йиғимга олиш, уларни комбайнда ишлашга ўргатиш ҳақида ўйлаб кўрайлик, бунда ўрим-йиғим бошланиши билан завод директори бу кишиларни малум колхозга комбайнда ишлаш учун юборадиган бўлади.

Биз ҳосилни ўриб-йиғиб олишга студентларни, ҳунар мактаби ўқувчиларини, хизматчиларни юборишга мажбур бўлаяпмиз-ку, ахир. Булар зарур малакага эга эмас. Шунинг учун уларнинг меҳнат унумдорлиги жуда паст.

Қисқаси, истак бўлса ҳосилни уюшқоқлик билан ва ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун ҳамма имконият бўлади. Бу ишга астойдил киришиш керак. Бирор нарса етишмаса, ҳукуматга, Марказий Комитетга мурожаат қилингиз, доимо мадад оласиз. Албатта, Қозоғистон ССР кўпгина муваффақиятларга ҳам эга, бу ҳақда Ўртоқ Беляев докладида айтиб ўтилди. Бу йил республика гўшт етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтирди. У, ғалла етиштиришда ҳам ана шундай яхши натижаларга эга бўлганида эди, 1960 йилда чорвачиликни ривожлантириш учун яхшироқ имкониятлар яратилган бўлур эди. Лекин, кўриб турибсизки, Қозоғистондаги камчиликлар ҳам жуда жиддий камчиликлардир.

Мен гапириб ўтган камчиликларга йўл қўймаганимизда эди, бизнинг қишлоқ хўжалигимиз янада муваффақиятлироқ ривожланган бўлур эди ва биз халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни яратишдан иборат вазифанинг ҳал этилишини жадаллаштирган бўлур эдик.

Ўртоқлар, халқимиз бахт-саодати йўлида янада гайрат билан, кучимизни аямасдан ишлайлик. Русларда бир мақол бор: зўрман деган киши зўрлигини кўрсатади. Зўрлигингни кўрсат. Кучинг етмаётганлигини сезсанг, тўғрисини айтиб қўяқол. Бизда ажойиб кадрлар бор, ўринбосарлар етарлик. Бу пўписа эмас, ўртоқлар. Топширилган ишни эплай олмаётган ходимнинг ўрнига лаёқатлироқ киши, тажрибали ташкилотчининг қўйилиши мутлақо нормал бир ҳолдир.

Рязань областининг анча вақттачи орқада қолиб келганлигини биласизлар. Илгариги раҳбарлар катта вазифаларни ҳал этишга оммани уюштира олмадилар ва уларга бошчилик қила олмадилар. Партия ташкилотига раҳбарлик қилган ўртоқ Ларионов кишиларни отлантира олди, ташкилотчилик ишини яхши йўлга қўя олди. Эндиликда ўша кишиларнинг ўзи мўжизалар яратмоқдалар. Мен бу гапларни шунинг учун айтмоқдамачки, партия бизнинг зиммамизга юклаётган вазифалар жуда масъулиятли ва бу вазифаларни эплай олиш керак. Эплай олмадингми—ўрнингни бошқага бўшатиб бер. Ўз сафида 8 миллион коммунистни уюштирган партиямиз ҳар бир областда ишни иш манфаатлари талаб қилган даражада ташкил қила олмаслиги мумкин эмас.

Мен Қозоғистон ҳақида муфассал гапирдим, лекин бошқа республикалар ишида ҳам камчиликлар бор. Бундан тегишли хулосалар чиқариб олиш зарур. Биз бир-биримизга хуш келмайдиган гапларни айтмас экамиз, унда халқ айтиши мумкин: нима учун сизлар фақат яхши ишлар ҳақида гапирасиз-у, ёмон нарсаларни сезмайсиз? Фақат муваффақиятлар ҳақидагина гапирмасдан, мавжуд камчиликларни партиявий тарзда, принципиал, ленинчасига очиб ташлайлик ва уларни тезроқ бартараф қилайлик. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш—меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий шарти

Ўртоқлар! Илғор колхоз ва совхозларнинг ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли жон бошига гўшт ва сут етиштириш бўйича Америка Қўшма Штатларига етиб олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бизда гўшт етиштириш етти йиллик планини ошириб бажариш ва бу билан ана шу мақсадга эришиш соҳасида олға қараб муҳим қадам ташлаш учун ҳамма имкониятлар бор. Бу йил Совет Иттифоқида 8,6 миллион тонна гўшт етиштирилди. Етти йилликни бажариш учун йилига гўшт етиштиришни яна 8 миллион тонна ошириш керак. Мусобақа натижасида планни ошириб бажариш ҳисобига шунга қўшимча тарзда гўшт етиштиришни яна 4—5 миллион тонна оширсак, яхши бўлур эди. Шунда мамлакатимиз аҳоли жон бошига гўшт етиштириш юзасидан етти йилликнинг охирида Қўшма Штатларга етиб олган бўлур эди.

Бунинг учун бизда яхши имкониятлар бор. 1965 йилда етти йилл

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Бу йилги натижалардан сизлар кўриб турибсизларки, колхоз ва совхозлар гўшт етиштиришни 30 процентдан зиёдроқ оширдилар. Лекин бу процентларни қўлга киритиш йил сайин қийинлашиб боради. Бу йил ги миқёсга нисбатан 30 процент 1 миллион тоннадан сал кўпроқни ташкил қилса, 1960 йилда бу каттароқ рақам бўлади, кейинги йилларда рақам янада ошиб боради. Шу сабабли жуда зўр бериб ишлаш керак бўлади.

Гап куч билан зўр бериш ҳақида бораётгани йўқ, албатта, мен даставвал ташкилий жиҳатдан зўр беришни омма орасидаги ташкилий ва сиёсий ишларни авж олдириш маъносида гапирмоқдаман. Ҳақиқатан ҳам, ўзингиз ўйлаб кўринг бизда 100 гектар ер ҳисобига 12 центнер гўшт етиштираётган колхозлар ҳам бор, худди шундай шароитда 100 гектар ер ҳисобига 150—170 центнер гўшт етиштираётган колхозлар ҳам бор.

Ишни шундай ташкил қилингизки, кўрсаткичи паст бўлган колхоз ва совхозлар тезда қаддини ростлаб олсин ва олга боссин. Шунда, масалан, Россия Федерацияси ўз мажбуриятини анча тез бажара олган ва умумий ишга ўз ҳиссасини қўша олган, яъни 100 гектар ер ҳисобига ўрта ҳисобда камида 54 центнердан гўшт бера олган бўлур эди.

Ҳар 100 гектар ер ҳисобига сўйилган ҳолда камида 101 центнердан гўшт етиштириши керак бўлган Украина ССР ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Украиналик ўртоқлар, бугун биз сизлар ҳақингизда сал ачитиб гапирдик, сизлар эса ҳамма ишни қойил қилиб қўйдик, деб ўйлаб қолган эдингиз. **(Залда жонланиш).** Биз сизларга Рязаннинг муваффақиятларини намуна қилиб кўрсатдик. Рязань областининг колхоз ва совхозлари 100 гектар ер ҳисобига гўшт етиштириш жиҳатидан сизларни орқада қолдириб кетди. Ҳаракат қилингиз, қаламни жадаллаштирингиз, ўртоқлар!

Қозоғистоннинг кўриқ ерларидаги совхозлар чорвачиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Мен Чистовский совхозининг директори ўртоқ А. И. Козлов нутқини мамнуният билан тингладим. Сизларнинг ҳаммангиз биласиз ва ўртоқ Козлов ўз нутқида айтди,— у, Марказий Комитетнинг Қишлоқ хўжалик бўлимида ишлаган пайтида жиддий камчиликларга йўл қўйди. Унга катта ҳуқуқлар берилган эди. Лекин унда умумлавлат вазифаларини тушуниш, қишлоқ хўжалик соҳасидаги мураккаб вазифаларни бажаришга тўғри ёндошиш маҳорати етишмас эди. У, кўриқ ердаги катта совхозлардан бирига раҳбарлик ишига юборилди. Кўриб турибсизки, бу ерда унинг иши яхши кетяпти. Мен Марказий Комитет Президиумида ўртоқ Козловни мазкур Пленумга таклиф этиш масаласини қўйдим. Ҳамма ўртоқлар бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Очиғини айтсам, мен Чистовский совхозидаги аҳволни кузатиб бордим, унинг яхши ишлаётганлигини менга бир неча бор айтишди. Ўртоқ Козлов тайёргарлиги бор одам, ишни яхши тушунади, шу сабабли мен унга қуйидагиларни айтишни илтимос қилдим—у кўриқ ерлардаги совхозлар чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлашда қандай имкониятларга эга эканлигини кўрсатиб бериш учун кўриқ ерларда маккажўхорини жорий қилишга киришсин, деб айтишларини илтимос қилдим. Совхоз коллективи бу имкониятларни кўрсатиб берди. 1959 йилда Чистовский совхози 3.501 гектар ерга маккажўхори экди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 314 центнер кўк поя ва сўта олинди; 397 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 680 центнердан, 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан эса 1.008 центнердан ҳосил олинди. Совхозда 64 минг тонна силос бостирилди. Маккажўхори силоси ҳар центнерининг таннархи 4 сўм 80 тийинга тушди.

Совхоз 1959 йилда давлатга пландаги 4400 центнер ўрнига 7.800 центнер гўшт сотди.

Ўртоқ Козлов кўриқ ерлаги совхозларда қўй боқишни барҳам бермаслик керак, деб масалани тўғри қўйди. Биз янги ерларни ўзлаштира бошлаганимизда, кўпгина кишилар қўйчиликни Қозоғистоннинг Шимолий районларидан Жанубий ва Шарқи-Жанубий районларига кўчириш керак деган эдилар. Баъзи бировлар ўшанда бу фикрга қўшиллилар ҳам. Бу ишни тузатиш керак. Қозоғистоннинг кўриқ ерларидаги совхозларда майин жунли қўйчиликни ривожлантириш учун яхшигина шароит бор.

1960 йилдаёқ совхозда 4500 гектар ерга маккажўхори экилади.

Совхоз коллективи ўз олдига 1965 йилда ҳар 100 гектар ер ҳисобита 100 центнер гўшт ва 321 центнер сут етиштириш вазифасини қўйди. Кўриқ ерда маккажўхорининг ҳосияти ана шундай!

Ўртоқ Козлов ана шундай иши учун Ленин ордени билан мукофотлашга муносиб деб ҳисоблаймиз. (Залдан: Тўғри, ўртоқлар!).

Бизнинг партиямиз танқид қилиш керак бўлган пайтда ходимни танқид қилади, лекин партия кишиларни қадрлайди ва эски хатоларини кечиради, кишилар тузалиб, меҳнатда яхши намуналар кўрсатса, мукофотлайди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ҳозир меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтиришдаги асосий нарса—қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашдир. Бу ерда кўпгина ўртоқлар шу ҳақда гапиришди, биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада механизациялаш масалалари устида ўйламоқдамиз.

Пленумда ўртоқ А. Ф. Засядько нутқ сўзлади. У, корхоналарга борди, кишилар билан ишлашди ва сафарининг натижалари ҳақида Марказий Комитетда доклад қилди. У, танқидий руҳдаги киши бўлиб, камчиликларга муросасиздир, бу эса яхши фазилатдир. Сезган камчиликлари ҳақида у менга гапириб берди ва мен унга Пленумда сўзга чиқишни маслаҳат қилдим. У айтган танқидий мулоҳазаларнинг кўпчилиги тўғри. Бизда, афсуски, вазни жуда оғир тракторлар бор, жиддий камчиликларга эга бўлган бошқа машиналар ҳам бор.

Ўртоқ В. В. Мацкевич Пленумда сўзлаган ўз нутқида ўртоқ Засядькониг Қишлоқ хўжалик министрлиги шаънига айтган танқидий мулоҳазаларини рад этишга уринди. Сиз ўртоқ Мацкевич, ўртоқ Засядькога қараганда эпчилроқ нотиқсиз. **(Кулги, қарсаклар).** Лекин у сизни тўғри танқид қилди. Бизда мамлакатнинг турли зоналаридаги хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш фактлари ҳақиқатан ҳам бор. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш вазифаларини ҳал этишда бошқа камчиликлар ҳам бор. Бу камчиликлар ҳақида индамай ўтиш мумкин эмас, бу масалаларда сиз ҳақли эмассиз, ўртоқ Мацкевич.

Мелиоратив техника ишлаб чиқариш ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Бу масала юзасидан бу ерда ўртоқ М. Е. Мацепуро гапирди. Мен уни анча вақтдан бери истеъдодли олим сифатида биламан ва унинг жуда фойдали фаолиятига катта ҳурмат билан қарайман. Колхоз ва совхозлар мелиоратив техникага муҳтождирлар. Лекин машиналарга бўлган ҳамма эҳтиёжларни қондириш учун ҳозирча металл етишмаётир. Бизда металл ишлаб чиқариш жуда тез ўсмоқда, металлга эҳтиёж эса янада тезроқ ўсмоқда. Ўйлайманки, қишлоқ хўжалиги учун металлнинг қўшимча резервларини қидириб топа оламиз. Қишлоқ хўжалигига металлурглар ёрдам бера оладилар—бир гайрат қилсалар, пландан ортиқ металл етказиб берадилар. Бу эса қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан мелиоратив машиналар ишлаб чиқариш учун муайян миқдорда металл ажратиш имконини беради. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатлари трактор ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб қилади. Энг кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни, қанд лавлаги, пахта етиштириш сингари ишларни механизациялашга эътиборни кучайтириш керак. Бу масала юзасидан яхши таклифлар айтилди.

Саноатимиз қишлоқ хўжалигини янги техника—машина, асбоблар билан тобора кенгроқ миқёсда таъминлаб боради. Балки, қишлоқ хўжалик машиналарининг янги намуналарини қабул қилиб олаётган махсус комитет тузиш керак бўлур. Мамлакатнинг айрим зоналаридаги ўзига хос талабларни тўлароқ ҳисобга олиш учун бу комитетга республикалардаги қишлоқ хўжалик ходимларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Марказий Комитет Пленумида кўп ўртоқлар ремонт-техника станциялари тўғрисидаги масала устида тўхталиб ўтдилар. Кези келганда шуни айтиш керакки, яқинда мен Украинага борганимда Украин колхозчилар билан суҳбатларда ҳам бу ҳақда бир неча бор гап бўлди. Айрим ўртоқлар баъзи РТСларни колхозлараро ремонт устахоналарига айлантиришни таклиф қилмоқдалар. Пленумда сўзга чиққан кўпгина кишилар ҳам шу фикрга мойиллик кўрсатмоқдалар. Бу таклиф диққатга сазовордир.

Колхоз союзлари бўлиши зарур деган таклиф ҳам тушмоқда. Бундай таклифлар МТСларни қайта ташкил қилиш масаласи муҳокама қилинган пайтдаёқ тушган эди. Бу ҳақда, қисман, ўша пайтда Марказий Комитетга ёзган менинг хатимда ҳам айтилган эди. Ўша пайтда биз Марказий Комитетда бу масала юзасидан фикр алмашган эдик ва колхоз центр типидаги махсус органларни ҳозирча тузмасликка қарор қилган эдик.

Ҳозир колхозлараро алоқаларни кенгайтиришда янги ташкилий формаларни топиш кераклиги ҳақида яна гап очилар. Колхоз центрни қайтадан тузиш керак бўлмас, лекин районлардаги колхозлараро ташкилотлар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим, чунки, колхозларнинг кучини бирлаштиришни талаб қиладиган кўпгина масалалар йиғилиб қолди. Анча катта колхозлар тузилган бир шароитда уларни бирлаштириш доимо ҳам мақсадга мувофиқ бўлмай қолди, чунки, бу, хўжаликни бошқаришнинг ташкилий томонини ёмонлаштириши мумкин. Колхозлар кучини масалан, электростанциялар, йўллар, мактаб-интернатлар ва хоҳазолар қуриш сингари масалаларни ҳал этишда бирлаштириш керак. Бу, оқилона иш ва бу ишни қилиш лозим.

Пленумда бу масала юзасидан айтилган таклифлар эътиборга сазовордир.

Колхоз ва совхозлар учун инженер-механизаторлар тайёрлашни кенгайтириш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Колхоз ва совхозлар ўз ихтиёрларида кўпгина хилма-хил мураккаб техникага эга бўлган ҳозирги пайтда бу жуда керакли ишдир.

Пахта, қандлавлаги, картошка, соя, ловия сингари экинларни қўл меҳнати сарфламасдан етиштириш вазифасини ҳал этиш пайти келди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Чигитни квадрат-уялаб экиш усулига ўтиш туфайли олинадиган иқтисодий тежам ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Прогрессив усулдан фойдаланилган ҳамма жойда бу усул ўз афзаллигини кўрсатди.

Мутахассисларнинг мароқли ҳисоботларини келтираман: қаторлаб экилганида ҳар гектар ерга амалда 153 килограмм чигит кетади.

Квадрат-уялаб экилганида 77 килограмм сарф қилинади.

Белгиланган миқдорда квадрат-уялаб экишда — 22 килограмм чигит кетади.

Бундай таққослама маълумотларнинг маъноси ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Мамлакатимизда 2.132 минг гектар ерга чигит экилади. Бу майдонга чигит экиш учун қуйидаги миқдорда уруғлик талаб қилинади:

қаторлаб экканда — 326 минг тонна,

квадрат-уялаб экканда — 164 минг тонна,

белгиланган миқдордаги чигитни квадрат-уялаб экишда — 47 минг тонна, ёки 7 баравар кам чигит сарфланади.

Шу тарзда, белгиланган миқдордаги чигитни квадрат-уялаб экишда қаторлаб экишга нисбатан 279 минг тонна чигит тежаб қолинади.

Бир тонна чигитдан: 170 килограмм ёғ, 400 килограмм кунжара, 300 килограмм шелуха, 30 килограмм линт (чиқит) олиш мумкин.

Тежаб қолинган чигитдан 47 минг тонна ёғ, 112 минг тонна кунжара, 84 минг тонна шелуха ва 8 минг тонна линт ҳосил қилиш мумкин. Бу маҳсулотларнинг қиммати 924 миллион сўм бўлади.

Белгиланган миқдордаги чигитни квадрат-уялаб экишга ўтиш учун 52.000 сеялка керак. Бу сеялкаларнинг қиммати 260 миллион сўм бўлади. Бир йилнинг ўзида тежалган чигит ҳисобига ҳамма сеялкалар қимматининг ўрнини босиш мумкин ва яна 664 миллион сўм пул қолади. Меҳнат сарфлашни камайтиришдан олинадиган жуда катта тежамни айтмайсизми! Бунда муҳими, иқтисодий фойдагина эмас. Биз меҳнат шароитини енгиллаштиришдан, меҳнат унумдорлигини оширишдан манфаатдордирмиз.

Шу билан бирга яна бир марта айтмоқчиманки, мен чигит экишнинг ана шу усулига ҳамма жойда ва фалон вақтда ўтайлик, деган ниият ташлаётганим йўқ. Бу усулга янги сеялкаларда ишлай оладиган кадрлар тайёрланишига қараб ўтиб бориш керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, квадрат-уялаб экиш қандлавлаги етиштиришни механизациялаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ниҳоят, қандлавлаги етиштиришдек мураккаб меҳнатни механизациялаш проблемасини ҳал этиш йўли топилди. Тўғри, ҳозирча қандлавлаги квадрат-уялаб экилмаётир. Колхоз ва совхозлар лавлагини оддий усулда, қаторлаб экмоқдалар, кейин эса букетировка қилиб, экинни икки томонлама ишламоқдалар, бу эса меҳнат сарфини кўплаб тежаш имконини бермоқда. Бу жуда соз.

Лекин, биз сеялка яратишга ва лавлагини квадрат-уялаб экишни ўзлаштиришга интилишимиз керак. Бир текис униб чиқадиган уруғликларни квадрат-уялаб экиш ва шу йўл билан яганалаш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишдан тўла қутулиш янада яхшироқ бўлур эди. Шунга эришилса, ҳозир лавлаги етиштириш билан машғул бўлган жуда кўп миқдордаги ишчи кучини бўшатиш, бу экин майдонларини эски лавлагикор районларда, айниқса Украинада кенгайтириш мумкин бўлур эди. Украиналр қандлавлаги экин майдонини анча кенгайтириб, яхши ишлаган бўлсалар ҳам, лекин республиканинг бир қатор областларида, хусусан ғарбий областларида, бу ишлар учун ҳали катта имкониятлар бор.

Қандлавлаги яхши ўсадиган Сибирда лавлаги экин майдонини кенгайтириш истиқболи бизни қувонтиради. Менга Красноярскда, Иркутскда ва Новосибирскда нақадар ажойиб лавлаги — 5 килограммгача келадиган жуда катта лавлагиларни кўрсатишди. Биз қандлавлаги экин майдонини ўша ёққа сурсак, — бу катта муваффақият бўлади. Уни қандлавлаги, деб аташлари бежиз эмас: у ҳам тотли, ҳам тўйимли. Қандлавлиги маҳсулотлари дастурхонинг яхши безагидир. Қандлавлаги — колхозлар ва давлат учун жуда фойдали экиндир, у давлат бюджетига яхши фойда келтиради, шу сабабли Молия министримиз ўртоқ А. Г. Зверев уни доимо мамнуният билан қабул қилади. **(Залда жонланиш).**

Бундан ташқари, қандлавлаги заводларда қайта ишланганида чорва учун қимматли озуқа беради. Шу нарса ҳам маълумки, қандлавлагидан кейин шу майдонга экилган бошқа экинлар яхши ҳосил беради. Шунинг учун ҳам бу экинга ҳар томонлама эътибор бериш зарур. Бундан бўён ҳам қандлавлаги экин майдонини кенгайтириш, уруғчиликка ва лавлаги етиштиришни механизациялашга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Колхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш ишлаб чиқаришни юксалтиришга рағбатлантирмоғи керак

Ўртоқлар! Докладчилар ва бу ерда чиқиб сўзлаган нотиқлар колхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш масаласини кўтардилар. Рашидов, Ўлжабоев, Мжаванадзе ва бошқа ўртоқлар шу тўғрида гапирдилар. Мен бу ўртоқлар масалани тўғри қўйдилар, деб ҳисоблайман.

Маълумки, бизнинг заводларимизда ва фабрикаларимизда иш нормалари ва баҳолари меҳнат унумдорлигининг юксалишига қараб системали суратда қайта кўриб чиқиб турилади. Шундай бўлиши нормал бир ҳолдир ва ишчилар бундай практикани қўлланиш зарурлигини яхши тушунадилар.

1953 йилда, кўпгина колхозлар оғир аҳволда турган бир пайтда Совет давлати уларга оёққа туриб олишда ёрдам бериш учун колхоз маҳсулотларининг нархларини бирмунча оширди, холбуки, уларнинг маҳсулоти ўша пайтда ҳам кўпгина совхозлар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг нархларига қараганда анча қиммат эди. Агарда ишга коммерсия нуқтаи назаридан ёндошсак, колхозларнинг маҳсулоти-ку давлатга шундай ҳам қимматга тушаётипти, шундай экан, нархларни оширишнинг хожати бормикин, деган савол тушар эди. Аммо биз бу сафар коммерсия ҳисобларига амал қилмадик, балки, қолоқликни тугатишда, жамоат хўжалигини кўтаришда колхозчиларга кўмаклашиш зарурлигини назарда тутдик.

Колхозларнинг маҳсулотлари учун нархларни белгилаётган вақтда айрим экинлар ва маҳсулотлар бўйича юқори нарх бераётганлигимизни билар эдик. Аммо биз шуни тушундикки, башарти нархлар оширилмаса, колхозлар қийин аҳволдан чиқолмас эди, колхозчиларнинг даромади етарли бўлмас эди; модомики меҳнатга кам ҳақ тўланар экан, меҳнат унумдорлиги ҳам ошмас эди.

Эндиликда колхозларимиз кўтарилди, олга қараб илдамлаб кетди, колхозчининг иш ҳаки анча юқори бўлиб қолди. Айрим районларда колхозчининг иш ҳаки ишчининг иш ҳакидан ҳам анча кўп. Бу адолатдан эмас. Маълумки, ишчилар синфи жамиятимизнинг етакчи кучидир. Ишчилар ва деҳқонлар мустаҳкам иттифоқ тузиб, помешчиклар ва капиталистларга қарши биргаликда курош олиб бордилар, Совет ҳокимиятини ўрнатдилар ва мустаҳкамладилар, Улуғ Октябрь ғалабаларини қимоя қилиб, контрреволюцияга қарши курашдилар. Улар биргаликда Ватанимизнинг шон-шарафи ва мустақилигини ҳимоя қилиб, фашист босқинчиларига қарши жанг қилдилар, коммунизм сари ҳам мустаҳкам иттифоқда, биргаликда бормоқдалар. Коммунизмга биргаликда боришнинг маъноси нима? Бунинг маъноси биргаликда меҳнат қилиш, жамоат бойлигини вужудга келтириш ва колхозчи ҳам, ишчи ҳам ўз меҳнатига ранжимайдиган даромад олиш демакдир. Менимча, шундай қилса, тўғри бўлади, ўртоқлар.

Овозлар. Тўғри.

Н. С. Хрушчев. Жуда ҳам тўғри. **(Қарсаклар)**

Баъзи колхозлар меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида жуда олдинга ўтиб кетди. Улар ўз иши ҳисобигагина олдинга ўтиб кетгани йўқ, балки давлат уларнинг маҳсулотига юқори нархлар билан ҳақ тўлаётганлиги учун ҳам олдинга ўтиб, кетди. Етти йиллик планда ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг даромадларини ўстириш кўзда тутилган. Биз ана шунга риоя қилишимиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашни адолатли тарзда тартибга солиб туришимиз керак. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидаги айрим маҳсулотларнинг нархларини қайта қараб чиқиш ҳақида таклиф киритаётган ўртоқларнинг ташаббусини мен тўғри ташаббус деб ҳисоблайман. Шуниси жуда қимматлики, бу таклифни кейинги йилларда даромадлари кескин ошиб ва колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори кескин кўпайиб кетган республикалар киритмоқда. Ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, грузин колхозчилари бу ишни тўғри тушунмоқдалар.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳамма колхозчилар ҳам меҳнатга ҳаддан ташқари юқори—бир меҳнат кунига 40—50 сўмдан ҳақ олаётгани йўқ. Агарда масалан, Грузияни миқолга келтирсак, Қора денгиз соҳил бўйидаги цитрус ўсимликлари етиштираётган колхозчилар меҳнат кунига юқори ҳақ олмоқдалар. Пасттекислик ёки тоғлик районлардаги колхозчилар эса бошқа республикалардаги колхозчилар билан бир хилда даромад олмоқдалар.

Овозлар. Тўғри.

Н. С. Хрушчев. Шу нарсани огоҳлантириб айтиб қўйиш керакки, бу муҳим ишни амалга ошириш вақтида ишнинг пачавасини чиқариб қўймаслик учун пухта ўйлаш, эҳтиёт бўлиш керак.

Колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлаш вақтида қуйидаги аҳволни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бизда меҳнат унумдорлиги юқори бўлган яхши колхозлар бор. Шундай йўл тутиш керакки, унинг натижасида ана шу колхозлар бундан буён ҳам етакчи ўрин тутсин ва қишлоқ хўжалигидаги у ёки бу маҳсулотларнинг нархларини ўзгартириш вақтида орқага ташлаб юборилмасин.

Маҳсулотларга барча колхозлар учун мос келадиган нархлар белгилаб қўйиш жуда қийин, албатта. Бизнинг колхозларимиз ҳар хил. Бирон колхоз учун қандайдир бир нарх маъқул бўлиши, яхши унумдорликка эришмаган иккинчи колхоз учун эса паст бўлиб қолиши мумкин. Табийки, ҳар бир алоҳида хўжаликлар учун маҳсулотлар нархини белгилаб бўлмайди. Биз шунга асосланишимиз керакки, маҳсулотларнинг ҳарид нархлари ва колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақ ишлаб чиқаришни юксалтиришга рағбатлантирадиган бўлсин.

Тағин бир марта қайтариб айтаманки, бу ишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ керак. Баъзи бир нархларни қайта қараб чиқиш лозим. Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ҳар бир алоҳида колхозда ҳал этиш йўли билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бирон зона учун меҳнат кунига фалон миқдорда ҳақ тўланади деб белгилаб қўйиш мумкин, аммо колхозчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ қоида тариқасида мазкур зонадаги совхозда, бир хил участкада ишлаб турган ишчининг иш ҳакидан юқори бўлмасин.

Биз колхозларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шундай тартибини белгилаб қўйишимиз керакки, бу тартиб ҳаддан ташқари кўп, ҳеч қандай асосиз иш ҳаки тўланишини истисно қилсин, аммо моддий рағбатлантириш тартиби сақланиб қолсин, колхозчилар жамоат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш манфаатдорлигидан маҳрум бўлиб қолмасин. Бўлинмас фондларга кўпроқ маблағлар ажратилади, колхозлараро йўллар, болалар интернатлари, мактаблар, касалхоналар қуришга кўпроқ маблағлар сарфланадиган бўлади. Бундан колхозлар ҳам, колхозчилар ҳам манфаат кўради.

Давлат иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларга кредитлар ва қарзлар бериш йўли билан ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда. Бундай колхозларнинг бир қисми колхозчиларнинг хоҳишига кўра, совхоз қилиб қайта ташкил этилди. Колхозчи совхоз ишчиси бўлиб қолди, у иш ҳаки олмоқда ва ишчига бериладиган ҳамма неъматлардан фойдаланмоқда. Ўйлайманки, бу гапларнинг ҳаммасини колхозчиларга тўғри тушунтирилса, улар тушуниб олади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида механизациялаш ўсган сайин, колхозчиларнинг малакаси ошган сайин, колхозчиларнинг меҳнатини ташкил этиш ҳозирги ҳолатдан сайин колхозлардаги иш нормалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш баҳоларини ҳулди саноат корхоналарида қилинганидек, вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш ҳамда прогрессивроқ иш нормалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш баҳоларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса меҳнат унумдорлигини узлуксиз суръатда оширишни, жамоат хўжалигини кенгайтирилган тарзда такрорий ишлаб чиқаришни ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш учун жамғармаларни кўпайтиришни таъминлайди.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА).

Колхозларни тажрибали кадрлар билан бундан буён ҳам мустаҳкамлай бериш зарур

Кадрлар масаласи, уларни тўғри жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ва улардан моҳирлик билан фойдаланиш масаласи — барча ишларимизда асосий масалалдир. Бизда баъзи бир жойларда баъзан ана шу жуда муҳим ишга нотўғри муносабатда бўлиб келинмоқда. Битта конкрет мисол келтираман.

Марказий Комитетга Орлов область, Дмитров районидаги «Ленинское знамя» колхози аъзоларидан хат келди. Хатга колхоз мажлиси номидан 53 киши қўл қўйган. Улар мана шундай деб ёзадилар:

«1959 йил 28 ноябрда колхозимизнинг раиси ўртоқ Степан Никитович Факни КПСС Дмитров райкомининг биринчи секретари қилиб олиб кетишди. Биз бундан жуда-жуда хафамиз ва аламдамиз.

Раисимиз ўртоқ Фак район партия комитетининг зонал секретари бўлиб ишлаб турган жойидан 1954 йилда колхозга юборилган эди, ҳозир бўлса колхозчиларнинг рухсатисиз ўртоқ Факни биздан олиб кетиб қолишди. Ўртоқ Фак келгунга қадар бизнинг колхозимиз қолоқ бўлиб, хўжалиги издан чиққан, чорвачилиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ўртоқ Фак колхозчиларни сафарбар қилдилар, меҳнат интизомини йўлга қўя олди. Биз, колхозчилар колхозимизга ҳақиқий раҳбар келганлигини ҳис эта бошладик ва ҳаммамиз ҳалол меҳнат қиладиган бўлиб қолдик, колхоз тез юксала бошлади.

Биз Орлов область партия комитети нотўғри иш қилди, деб ҳисоблаймиз. Наҳотки Дмитров райкомининг секретари бўлиб ишлашга областдан, область партия комитети аппаратидан одам топилмаган бўлса. Бизнинг фикримизча райком секретарлигига колхоз раисига нисбатан одам топиш осонроқдир **(залда жонланиш)**, колхоз раислигини ўртоқ Фак қаттиқ севар ва у бутун вужуди билан берилиб ишлар эди.

Хатга колхозчилар умумий йиғилишининг қарори илова қилинади. Қарорда бундай дейилган:

«1. КПСС Марказий Комитетига ўртоқ Факни «Ленинское знамя» колхози раислигида қолдиришни илтимос қилиш учун колхозчилар командировка қилинсин.

2. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши ўртоқ Факни колхоз раиси вазифасидан озод қилмаслик керак, деб ҳисоблайди.

3. Умумий йиғилиш партия Марказий Комитетидан ва шахсан ўртоқ Хрушчевдан ўртоқ Факни колхозга яна раҳбар қилиб қолдиришни илтимос қилади».

Ўртоқлар! Бу — яхши қарор. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Колхозчилар йиғилишининг ана шу хати ва қарори муносабати билан мен Орлов область партия комитетининг секретари ўртоқ В. С. Марковдан шуни сўрамоқчиман: Ҳўш, сиз тажрибали партия ходими бўла туриб, колхозчилар яхши тушунган нарсани обкомдагилар нега тушунишмали? Нега сиз колхозчилар билан можоралашиб юрибсиз, уларни истаги ва хоҳиши билан ҳисоблашмаяпсиз? Область партия комитетининг бундай ҳатти-ҳаракати партиянинг йўлига зид келади.

Партия яхши раҳбарларни бевосита ташкилий ишларга юбориш учун ҳамма чораларни кўрянти. Қимматли ўртоқ Марков сиз шуни тушуниб олингки, колхознинг раиси яхши бўлса, райкомнинг раҳбарлик қилиши ҳам енгил бўлишини биз ҳаммамиз чуқур англаб етмоғимиз керак. Ўшанда бундай колхозга райком секретари дам олгани бориб, агар ёқтирса асал шарбатидан татиб ҳам кўриши мумкин. **(Залда жонланиш).** Колхознинг раҳбари яхши бўлса у жойга ҳар хил вакилларни юбориб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ, бундай колхозда улар ортиқча бўлиб қолади. Агарда сиз яхши раисни олиб туриб, уни райком секретари қилиб тасдиқласангиз у колхознинг ишлари билан бунчалик аниқ шуғулланолмайди, албатта. Ҳозир биз ҳар бир район, ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозда шундай қилишимиз керакки, уерда ишни чуқур биладиган яхши ташкилотчилари, ўз лочинлари бўлсин. Ўшанда ишимиз тағин ҳам муваффақиятли юришиб кетади.

Шунга кўра, ўртоқ Марков, сиз ўртоқ Факни колхоз раиси вазифасида қолдиринг. Биз ҳаммамиз, бутун Пленумимиз сизга мурожаат қилиб айтамизки, колхозчиларнинг илтимосини қондиринг. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Ўртоқлар, колхозчилар яхши коммунистни, ташкилотчи бир кишини ўз колхозининг раҳбари қилиб қолдиришни илтимос қилаётган эканлар, бу — бизнинг фахримиздир.

Коммунизм лушманлари айтиларки, Совет Иттифоқида маданият ўсган сайин ижтимоий тузум ҳам тусини ўзгартиради, совет кишилари ҳозирги мавжуд тузумга бундан бўён тоқат қилиб туролмайдиган бўлиб қолдилар. Улар меҳнаткашлар учун, халқ учун чинакам эркинлик нима эканлигини тушунмайдилар. Капитализм қонунлари капиталистик дунёни, меҳнат аҳлларини эксплуатация қилиш оламини эркинлик дунёси деб кўрсатишга уринадилар. Агарда улар капитализмни эркинлик дунёси деб ҳисобласалар у ҳолда бу дунёда яшаётган кишилар ҳақ-ҳуқуқи қирқилган бахтсиз кишилардир, халқ учун чинакам эркинлик нима эканлигини тушуниш имконияти берилмаганлиги учун уларга ачиниш керак. Эркинлик инсон капитал эксплуатациясидан чангалидан холос бўлган жойдагина мавжуддир.

Модомики, колхозчилар, Советлар мамлакатида ўзларини тўла хўжайин деб қараётган эканлар бу факт диққатга сазовор факт эмасми. Биз, коммунистлар шу нарса билан ҳақли равишда фахрланамизки, колхозчилар, коммунист учун, райкомимизнинг секретари учун — уни бизга қайтариб берингилар, у бизнинг йўлбошчимиз бўлсин, у колхозимизга раҳбарлик қилсин, чунки у ишни яхши билади; одамларни маҳорат билан уюштиролади ва у билан биз яхшироқ ишлайлиган бўлиб қолдик, деб Москвага элчилар делегациясини жўнатибдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Колхозчиларнинг илтимосини сўзсиз қондириш ва ўртоқ Факни колхоз раиси вазифасида қолдириш керак. Қаердаки, заиф ёки қолоқ колхозга яхши ташкилотчини юборишни илтимос қилаётган бўлсалар, одамларнинг бу илтимосини бажо келтириш керак. Ҳар бир колхозга битталан яхши Фак бериш мумкин. **(Залда жонланиш).**

Ўртоқ Марков, шундай қилиш ва областда ишнинг муваффақиятли боришига эришиш керак.

Орлов областининг ерлари ажойиб ерлардир. Агарда сизда тажрибали кадрлар етишмаётган бўлса, унисини айтинг, бошқа областларга мурожаат қилиб, одам олиб берамиз. Бизда яхши ходимлар кўп, бу ходимларни орқада қолаётган участкаларга юбориш керак. Область тегишли ўринда туриши ва олдинги сафларда бориши учун ҳамма чораларни кўриш лозим.

Ўз юртдошларим, курскликларга ҳам бир неча оғиз сўз айтмоқчиман, уларни танқид қилиб ўтмоқчиман. Ўртоқ Ефремов бошқа областга ишга ўтиб кетганидан буён озгина вақт ўтдиқ, аммо Курский обкоми ва облиҳрокомининг ходимлари колхозчиларнинг тажрибаси ва фикри билан ҳисоблашмай, қишлоқ хўжалиги соҳасида айрим нотўғри кўрсатмалар беришга улгуриб бўлдилар. Масалан, улар шу даражага бориб етибдиларки, бир неча йилдан бери маккажўхори экиб келаётган Калиновка қишлогининг колхозчиларига юз гектарча ерлаги маккажўхорини силос учун ўриб олмаслик, балки уни уруққа қолдириш ҳақида маслаҳат беришибдилар. Ахир у ишда калиновкаликларга ўргатиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ эди. Хўжаликни қандай бошқариш кераклигини уларнинг ўзлари яхши биладилар. Модомики, область раҳбарлари ўзларинг учун ўзларинг ишлаб чиқаришинглар, деб «кўрсатма берган» эканлар, улар бунга амал қилибдилар. Оқибатда нима бўлибди дент? Оқибатда шунда бўлибдики, чаккига дакки деганларидек, на силос олишибди ва на уруғ. Шундай қилишганлар нима ҳожати бор эди? Бу — ёмон ўтилган йўл эмасми. Ўртоқлар маҳаллачилик қилманг, ўз қолоқлигингизни намойиш этманг. Уруғлиқни уруғчилик хўжаликларида етиштириш керак.

Мисол учун Америкаликларнинг тажрибасини олиб кўринг. Уларда ҳар бир фермер маккажўхори уруғи етиштириб ўлтирмайди. У бу уруғни шу ишга ихтисослашган фирмалардан олади. Бизда бўлса баъзи бировлар силос учун ҳам, уруғлик учун ҳам маккажўхорини ўз хўжалигида етиштирмоқчи бўлишади. Бу кустарликнинг ўзидир. Бундай қилиш ярамайди. Биз ихтисосл